БУГУН ТОШКЕНТДА РЕСПУБЛИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ VII СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 92 (9078). • 1987 йил 15 май • жума • Баҳоси 3 тийин.

МАКТАБ ИСЛОҲОТИ — МАОРИФНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ДЕМАКДИР

МАКТАБ ва ўқувчи... Ўқитувчи ва билим... Келажак ва шахс... Бу тушунчалар совет жамияти, маориф даргоҳлари, педагогик коллективлар, оталиқ ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари олдига жуда катта масъулиятли муаммолар қўймоқда. Чунки бу проблемалар фан-техника революцияси ғоят авж олаётган, экономикамиз интенсив ривожланаётган комплекс социал-сиёсий программалар амалга оширилаётган, мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштириш ва совет жамиятини қайта қуриш ҳаракати тобора кенг қулоч ёзаётган, социалистик демократия принциплари такомиллаштирилаётган бир пайтда, янги инсонни — келажак кишисини камол топтиришнинг муҳим проблемаларн ҳал этилаётган бир пайтда ғоят катта аҳамият касб этади. Бинобарин, шу аср охири ва келгуси аср бошларидаги улуғвор вазифаларни адо этувчилар бугунги кунда мактаб парталарида ўтирган ёшлар бўлади.

Шу маънода бугун пойтахтимиз Тошкентда очилаётган республика ўқитувчиларининг VII съезди солномамизга алоҳида воқеа бўлиб киради. Чунки бу анжуманда умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари эълон қилингандан буён ўтган даврда эришилган ютуқлар, мактаб ва ўқитувчилар фаолиятида рўй берган ўзгаришлар, педагогик коллективлар эришган тажрибалар, бу соҳада йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар атрофлича таҳлил қилинади, халқ маорифини янги поғонага кўтариш бўйича ошкоралик руҳида фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Хўш, умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилиш бўйича кейинги уч йил ичида кўзланган мақсадларга эришилдими?

Минг афсуски, йўқ. Ҳали биз бу жабҳалардаги муваффақиятларимиз билан фахрлана олмаймиз. Шу боисдан ҳам ВЛКСМнинг яқинда бўлиб ўтган XX съездида М. С. Горбачев шундай деди: «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш тўғрисидаги гап-сўзлар билан ўзимизни аллалаб ўтиримаймиз. Тўғрисини айтсак, бугунги кунда ислоҳот ҳозирча жойидан жилмай турипти».

Биргина бизнинг пойтахт областимизда шу кунларда 807 та умумий таълим мактаблари, 46 та ўрта ҳунар-техника билим юртлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 31 минг 600 дан знёд ўқитувчи ва ишлаб чиқариш мастерлари таълим-тарбия ишлари билан шуғулланмоқдалар. Бу жуда катта куч. Улар ёш авлодга фан асосларидан чуқур ва мустаҳкам билим бериш, шу билимларни практикада қўлланиш кўникмалари маҳоратини ҳосил қилиш, материалистик дунёқарашни шакллантириш совет мактабининг энг муҳим, энг долзарб ва ўзгармас вазифалари эканлигини жуда яхши биладилар. Бироқ бундай кенг қўламли тадбирларни тўлатўкис амалга оширишда самаралн натижаларга эришиб бўлмаётир.

Аксарият мактабларимизда таълим ва тарбия сифати ҳамон паст даражада қолмоқда. Предметларни ўқитишнинг янгича методлари, фанлар асосларини мустаҳкам эгаллаб олиш, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбия, эстетик ва жисмоний камолотни яхшилаш юқори савияга кўтарилмаяпти. Ўқув планлари, кундалик ва истиқболли программалар, дарсликлар ва қўлланмалар, таълим ва тарбиянинг прогрессив усуллари такомиллаштирилмаяпти. Ўқувчиларнинг ортиқча зўриқтирилишига, ўқув материалларининг ҳаддан ташқари мураккаблаштирилишига барҳам берилмаётир. Халқ маорифи ва ишлаб чиқариш системасида педагоглар масъулиятини ошириш, ўқув ва меҳнат интизомига риоя этишни кучайтириш, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш мастерлари обрўсини ошириш, уларнинг моддий ва маиший шароитларини яхшилаш бўйича ҳамма ишлар қилинаётир, деб бўлмайди. Айниқса, умумий таълим ва ҳунар-техника билим юртлари структурасини бошқарувда, кечки (сменали) ва сиртқи мактаблар фаолиятини изга солишда катта хатоликлар содир бўлаётир.

Жойлардаги кўпгина халқ маорифи ходимлари ва мактабларнинг маъмуриятлари бюрократизм, сансалорлик, лоқайдлик, кўзбўямачилик, процентбозлик, ҳақиқий аҳволни бўяб кўрсатиш, ўзибўларчилик, мақтанчоқлик, иш учун жон куйдирмаслик сингари иллатлардан ҳанузгача халос бўла олмаётирлар. Янгича ишлаш, қайта қуриш принциплари тўла-тўкис қарор топмаётир. Ўқитувчиларни дарсдан қолдириб, турли хил семинар ва кенгашларга юбориш, фойдасиз инспекторлик текширувлари, талабаларни қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш кабн ҳораланган методлар илдизига болта урилмаётир. Педагогика фанининг ва илғор тажриба мактабларининг ютуқлари умумлаштирилмаётир. Айрим мактабларда ўқувчилар компьютерлар, дисплейлар, электрон-ҳисоблаш машиналари тўғрисида оддий тушунчаларга ҳам эга эмаслар.

Айниқса, олти ёшлиларни ўқитиш жараёнида камчиликлар анчагина. 1986—1987 ўқув йилида областимиз бўйича 10 мингдан кўпроқ олти ёшли жажжилар мактаб бўсағаларини босиб ўтдилар. Келгуси йилда бу рақам яна 10 мингга ортади. Бироқ бу масалада мактаб билан болалар боғчалари, ўқитувчилар билан ота-оналар ўртасидаги ижодий мулоқотлар кўнгилдагидек йўлга қўйилмаётир. Олти ёшлиларни ўқитиш ва тарбиялаш системасида изчиллик йўқ. Болаларни ёшлигидан рус тилига ўргатиш муаммоси ҳали ҳам ижобий ҳал бўлмаётир.

Умумий таълим ва ҳунар-техника билим юртлари фаолиятини такомиллаштириш, ислоҳ этиш, уларнинг ишларини қайта қуриш бўйича олимлар ҳам ўзларининг узлкесил илмий фикр-мулоҳазаларини билдира олмаётирлар. Бу соҳаларга таллуқли фундаментал педагогик тадқиқотлар олиб борилмаётир. Ёшлар меҳнатига мўлжалланган, ватанпарварлик ва интернационализм, социализм маданияти ва коммунистик аҳлоқ мавзуларига бағишланган пухта қўлланмалар деярли йўқ.

Бугунги съездда областимиздан делегат сифатида қатнашаётган маорифчиларнинг, педагогларнинг, ишлаб чиқариш мастерларининг, мактабгача болалар муассасалари ходимларининг, маърифий ташкилотлар вакилларининг айтадиган анчагина гаплари борлиги, шубҳасиз. Чирчиқ шаҳридаги 20-, Ангрендаги 6-, Бекободдаги 16-, Нариманов шаҳридаги 2-, Бўстонлиқ районидаги 2-, Тошкент районидаги 6-, Оққўрғон районидаги 17-мактабларда тўпланган ижобий тажрибалар съезд минбаридан сўзланадиган нутқлар мавзуси бўлиши мумкин. Мактаб директорлари — Б. Г. Штелле, И. Г. Зецер, Н. И. Карпенко, Қ. Бобоевларнинг, тил ва адабиёт ўқитувчиси А. Зокирова, тарих муаллимаси Р. Ёқубова, география ўқитувчиси Х. Ибрагимов, химия ўқитувчиси В. А. Шин, кутубхоначи Г. Алимбековларнинг иш услублари эътиборга сазовордир.

Республикамиз знёлиларининг бугунги съезди ижодкор ва ташаббускор педагогик коллективларнинг умумий таълим ва ҳунар мактабларни ислоҳ қилиш борасида эришган ютуқларини, замон синовидан ўтган жамики илғор нарсаларни яна бир карра умумлаштиради, шу билан бирга маориф соҳасини янада такомиллаштириш ва ёшларни ўқитиш ҳамда тарбиялашнинг ҳаёт ўртага қўйган, ижтимоий ривожланишнинг талаб-эҳтиёжлари тақозо этган, пишиб етилган муаммолари юзасидан янги йўл-йўриқлар беради, деб умид қиламиз. Зотан, мазкур мақсадларни рўёбга чиқариш, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, уларни ҳаётга ва меҳнатга, актив жамоат фаолиятига тайёрлаш учун энг мақбул шарт-шароитлар яратажаклигини унутмайлик.

Съезд ишига муваффақиятлар тилаймиз.

ТАЪЗИМ СИЗҒА, УСТОЗЛАР!

● ЁШ авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда бой тажриба орттирган педагоглардан бири Ангрен шаҳридаги 28-ўрта мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, республика халқ маорифи аълочиси Соҳиба Тўраевадир. У мактаб хотин-қизлар Советининг раиси сифатида ҳам катта ҳурмат қозонган. Муаллима кейинги йиллар ичида ўзи дарс бераётган синфларда муттасил юксак натижаларга эришмоқда; Оққўрғон районининг Охунбобоев номли колхози меҳнаткашлари, 16-ўрта мактаб коллективи ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Дилбар Қўчқорова номини эътибор билан тилга оладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Жонкуяр педагог ўз фаолияти давомида жуда кўплаб ўғил-қизларга билим ва тарбия берди. У актив жамоатчи ҳамдир.

Ўз касбини севган бу педагоглар съезд арафасида бир-бирлари билан танишдилар, ишлари, режалари ҳақида суҳбатлашдилар. Суратда: С. Тўраева (чапда) ва Д. Қўчқоровалар ўзаро суҳбатда.

М. Нуриддинов фотоси.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

БУГУН республикамизда ўқитувчилар съезди ўз ишини бошлайди. Бу муҳим воқеа арафасида Тошкент область партия комитетида пойтахт областидан сайланган съезд делегатлари билан учрашув бўлиб ўтди. Область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов йиғилганларни қизғин ва самимий табриклади. Бугунги мактаб, унинг муаммолари ҳақида мароқли суҳбат бўлди. Суҳбат чоғида муаммолар кам эмаслиги янада равшанлашди. Бу, энг аввало, ўқитувчи билан ўқувчи орасида чинакам ижодий муҳитни яратиш, ота-оналар комитетлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда ўз ифодасини топиши керак. Мактаб ислоҳотининг сust амалга оширилаётганлиги, процент, оширилган кўрсаткичлар ортидан қувиш сингари таълим-тарбияга ёт нуқсонлар ўқув жараёнини ривожлантиришга ҳалақит бермоқда.

Делегатлар машғулотлар сифатини тубдан яхшилаш, уларда техникавий воситалардан самарали фойдаланиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Бунга эришиш учун мустақил моддий база зарур бўлади. Лекин областнинг қатор шаҳар ва районларидаги мактабларда эса моддий база ночор.

Мактаб педагоглари Тошкент Давлат университети ва бошқа педагогика олий ўқув юртлари малакали мутахассислари тайёрлашда талабга жавоб бермаётганлигини, қишлоқ мактабларида ўқитувчилар етишмаётганлигини куйиниб гапирдилар.

Областда аниқ фанлар, хусусан, физика ва математика предметлари яхши ўқитилмаяпти. Шу муносабат билан делегатлар студентларнинг мактабларда ўтадиган амалий машғулотлари муддатини узайтириш, ёш педагогларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида фойдали таклифлар айтдилар. Мактабларда ўқитувчиларнинг кўпчилиги аёллар эканлиги, эркаклар камлиги ҳақидаги муаммо ҳам тилга олинди.

Область партия комитетида бўлиб ўтган учрашув биринчи навбатда ҳал қилиниши керак бўлган режаларни янада аниқлаштирди.

Учрашувда область партия комитетининг секретарлари, бюро аъзолари, бўлим мудирлари, область ижроия комитети ходимлари иштирок этдилар.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1987 йил биринчи кварталида уй-жой ва социал-маданий аҳамиятдаги объектлар қурилиш планларини муваффақиятли бажариш учун Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳарлар ва районлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари Самарқанд областига, Тошкент шаҳрининг Сергели районига, Сурхондарё областининг Шеробод районига берилди.

Халқ депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи область сайлов комиссиясида

21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

12 апрель куни йиғирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи область сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни область сайлов комиссияси раиси, область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браилов олиб борди.

Мажлисда область алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси бошлиғи А. Н. Кудиновнинг сайлов участкалари ва агитпунктларни алоқа воситалари билан таъминлаш, область юстиция бўлими бошлиғи Ё. С. Бозорбоевнинг аҳоли ўртасида ҳуқуқ пропагандасини олиб бориш тўғрисидаги ахборотлари тингланиб, муҳокама қилинди.

Область сайлов комиссияси алоқа ишлаб чиқариш-техника бўлимининг жойларда сайлов кампаниясини алоқанинг барча воситалари билан таъминлаш ишида айрим камчиликларга йўл қўяётганлигини таъкидлаб ўтди.

Комиссия мажлисида область юстиция бўлимининг сайловларга тайёргарлик кўриш ишига ҳанузгача актив киришмаганлиги, айниқса, жиддий таққид қилинди. Халқ судьялари сайловчилар олдида ҳисобот бермаяптилар. Сайлов участкалари ва агитпунктларда юридик консультация бурчаклари ташкил этилмаган. Область юстиция бўлими, область суди ва область адвокатлар коллегияси президиумининг масъул ходимлари меҳнат коллективларида бўлмаяптилар, ҳуқуқ пропагандаси билан талаб даражасида шуғулланмаяптилар, савол-жавоб кечалари ўтказмаяптилар.

Область сайлов комиссияси область юстиция бўлими (Ё. С. Бозорбоев), область суди (А. И. Липатов), область адвокатлар коллегияси президиуми (Г. А. Рогожин)га икки кунлик муддат ичида аҳоли ўртасида ҳуқуқ пропагандасини авж олдиришга қаратилган қўшма тадбирлар планини ишлаб чиқиш ва уни бутун чоралар билан бажаришга киришиш вазифасини топширди.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Швейцария Меҳнат партияси Марказий контрол комиссиясининг раиси А. Маньен Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Швейцариядан келган меҳмон В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Х. Ҳолмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский А. Маньенни қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

М. С. Горбачевнинг Бойқўнғир космодромида ва Ленинск шаҳрида бўлиши

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 11—13 май кунлари Бойқўнғир космодромида ва Қозоғистон ССРнинг Ленинск шаҳрида бўлди.

М. С. Горбачев ана шу жойларда бўлган чоғида олимлар, мутахассислар ишчилар, инженер-техник ходимлар билан, шунингдек шаҳар аҳолиси билан кўп-дан-кўп учрашув ва суҳбатлар ўтказди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

М. С. Горбачев космодромга қўйилган космик техника намуналари билан танишди. Учувчи бошқарадиган ва автомат Совет космик кемалари ана шу ноёб илмий-тадқиқот ва синов комплексидан старт олади. Ҳозир космосда ишлаб турган «Мир» туркумига мансуб орбитал станция шу ердан учирилган эди. Лабораториялар, синов стендлари ва старт майдончалари ёнида космодромнинг маъмурий маркази — революция йўлбошчисининг номи берилган замонавий шаҳар — Ленинск қад кўтарди.

Халқ хўжалиги эҳтиёжлари — алоқа, телевидение, метереология ва космик фазони тадқиқ этиш учун фойдаланилаётган космик аппаратлар намойиш қилинди.

Ҳозирги вақтда космодромда янги универсал учирувчи ракетани парвозга ҳозирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ракета кўп марта фойдаланиладиган орбитал кемаларни ҳам, шунингдек илмий ва халқ хўжалик аҳамиятидаги катта-катта космик аппаратларни, шу жумладан узоқ муддат ишлайдиган станциялар учун модулларни ҳам Ер атрофи орбитасига чиқариб қўя олади.

Лойиҳачилар ва синовчилар билан бўлиб ўтган суҳбатларда космонавтика фан-техника тараққиётининг олдинги маррасида турганлиги, мамлакатимиз фани ва техникаси кўпгина тармоқларининг энг янги ютуқларини ифода этаётганлиги қайд этиб ўтилди. Космонавтика инсон фаолиятининг чегараларини кенгайтириш имконини берди, амалда дунёдаги барча мамлакатларни алоқа ва телевидениенинг ягона тармоғи билан биполштирди, планетамизнинг табиий ресурсларини яна ҳам чуқурроқ ўрганиш, атмосфера ва об-ҳаво ҳодисаларини тадқиқ этиш, янги ўта соф материаллар олиш учун катта имкониятлар очди. Шу муносабат билан космик техникани, аввало, тинчлик мақсадларида бундан буён ҳам ривожлантириш, космик фазони ўрганиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Учрашувлар чоғида М. С. Горбачев космодром ходимларининг социал-маиший шароитларига катта эътибор берди. У пионерлар уйида, магазинда, спорт комплексида, бошқа объектларда бўлди, шаҳар аҳолиси билан суҳбатлашди.

Бу ерда одамлар қаттиқ иқлим шароитларида яшаб, ишлаётганликлари таъкидланди. Шу муносабат билан меҳнаткашларнинг турмуши ва дам олиши масалалари аҳолида муҳим аҳамият касб этади. Ленинск шаҳрида аҳолининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондириш учун кўп ишлар қилинган. Аммо ҳал этилмаган проблемалар ҳам ҳали оз эмас. Партия ва совет органларига, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига социал соҳани янада ривожлантириш, ушбу масалаларга кўпроқ эътибор бериш топширилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари суҳбатлашган кишиларнинг ҳаммаси Марказий Комитетнинг апрель Пленуми ва партия XXVII съезди мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш соҳасида ишлаб чиққан йўлни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Ленинскдаги корхоналарнинг коллективлари турмушнинг ҳамма томонларини қайта қуришга актив қўшилдилар, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун баланд руҳ ва яхши кайфият билан қизғин маромда ишлаб, сабот билан курашмоқдалар.

Маҳаллий маданият саройида М. С. Горбачев космодром ва Ленинск шаҳри меҳнат коллективларининг вакиллари билан учрашди. М. С. Горбачев нутқи эълон қилинмоқда.

Учрашувда слесарь Е. Ф. Арбеков, қурувчи Я. Г. Чернявский, космодром ветерани А. А. Шумилин, поликлиника комсомол ташкилотининг секретари Н. Кормшчикова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

М. С. Горбачев космодромнинг С. П. Королев, Ю. А. Гагарин ишлари билан боғлиқ эсдалик жойларини бориб кўрди.

М. С. Горбачев билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Л. Н. Зайков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри С. Л. Соколов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ю. Д. Маслюков, СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбаев, Қизил Ўрда область партия комитетининг биринчи секретари Е. Н. Авелбеков, иттифоқ министрликлари ва идораларининг бир қанча раҳбарлари космодромда бўлдилар.

(ТАСС).

ВАТАНИМИЗНИНГ ЖОНКУЯРИ БЎЛАЙЛИК, ВИЖДОНАН ЯШАБ, МЕҲНАТ ҚИЛАЙЛИК

М. С. ГОРБАЧЕВнинг Ленинск шаҳри меҳнаткашлари билан учрашувдаги нутқи

Азиз ўртоқлар!

Сизларнинг ҳаммангизни КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан самимий табриклаб, ватанимиз манфаатлари йўлидаги зарбдор ишларингиз, учун, матонатингиз ва ижодий меҳнатингиз учун сизларга ташаккур айтишга рухсат бергайсиз.

Биз, Совет кишиларининг ҳаммаси «Бойқўнғир» деган сўзни ҳамиша алоҳида ҳаяжон билан айтиб келдик. У халқимиз улуғвор жасоратининг, Совет фани тантанасининг, социалистик ижтимоий тузум катта имкониятларининг рамзи бўлиб қолди.

Бу ерда, Қозоғистоннинг бепоён чўлларида Совет кишиларининг ақл-заковати ва ишлари учун. Совет ватанимиз учун ифтихор ҳис-туйғуларини сезасан, киши. Бу ерда киши Октябрь мамлакатининг улуғворлиги ва қудратини, Октябрь социалистик революциясидан кейин кўп миллатли буюк давлатимиз халқларининг 70 йиллик йўлини безайдиган унинг катта ютуқларини кучлироқ сезиб туради.

Инсоният шу ердан илк бор космос сари қадам қўйиб, цивилизация тарихида янги саҳифа очди. Бу ердан, Бойқўнғирдан 1957 йилнинг октябрида революцион фан ва техниканинг рамзи бўлмиш биринчи Ер сунъий йўлдоши орбитага чиқарилганди. Бу ерда 1961 йилнинг 12 апрелида одамнинг космосга биринчи парвози — юртдошимиз Юрий Алексеевич Гагариннинг шонли парвози амалга оширилган эди. Буларнинг ҳаммаси Совет фани ва техникаси тараққиётининг буюк босқичларидир.

Совет олимлари, ишчилари, инженерлари, ҳарбий мутахассисларининг меҳнати ва истеъдодлари билан бунёд этилган ноёб илмий тадқиқот синов комплекси — Ленининг давлатимизни буюк индустриал давлатга айлантириш тўғрисидаги орзулари реал амалга оширилганлигининг далилидир.

Бу ерда аслида мамлакатимиздаги неча ўнлаб илмий тадқиқот, конструкторлик ташкилотлари, каттакатта машинасозлик корхоналари интеллектининг потенциали ва пировард иш якуни мужассамланган. У илғор инженерлик тафаккурининг ҳақиқий полигони бўлиб, ҳамма асосий йўналишларда фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари бўйича жиҳозланган, деб айта оламан.

Қуйидагиларни алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Бу ерда, космодромдаги замонавий ҳисоб техникаси ва ғоят сезгир приборлар билан таъминланган ҳамма нарса — ғоят мураккаб старт иншоотлари, синов стендлари, лабораториялардан тортиб, кучли учирувчи ракеталар, космик аппаратлар, уларнинг ҳаёт таъминоти системаларигача ҳамма нарса ватанимизнинг маҳсуллари, барчаси ниҳоятда сифатли ва замонавий техника даражасидадир. Оддий, лекин жуда муҳим бир масала яна хаёлимга келади: бугунги кунда ғоят катта, кенг қўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир эканмиз. нима учун кўпинча, қатто энг оддий ашёларни чет эллардан харид этишга ҳаракат қиламиз.

Бу ерда қўрилган нарсаларнинг ҳаммаси шу жиҳатдан олганда, чет элларга бош эгиб боришга ҳеч бир эҳтиёж йўқлигига яна бир бор чуқур ишонч ҳосил қилдиради. Чет эллардаги баъзи доиралар бизга технологиялар ва машина-ускуналарни сотишга нисбатан жорий этган ҳеч бир тақиқлашлар, ҳеч бир ман этишлар мамлакатимизнинг тараққиётига, қайта қуриш, экономикамизни жадаллаштириш билан боғлиқ катта социал-иқтисодий планларимиз амалга оширилишига тўсқинлик қилолмайди.

Бу нарса мени фанимизга, илмий знёлиларимиз, инженерларимиз, конструкторларимизга харчанд мадад бериш зарурлигига яна бир карра ишонтиради. Иккинчи томондан олганда, талабларни кучайтириб, ўзига хос «Сифатсизлик комплекси»га барҳам бериш ва биз Советлар ҳокимиятининг 70 йили мобайнида орттирган улкан илмий имкониятларни чинакамига ишга солиб юбориш керак. Биз буни уддалай оламиз ва қайта қуришнинг асосий вазифаларидан бири ҳам мана шудир, ўртоқлар.

Космос соҳасида эришилган ютуқлар тўғрисида гапирилар экан, авлодларнинг жонли давомийлигини ҳис этасан, киши. Бугунги кунда ҳам бундан 30 йил аввал шу буюк ишни бошлаганларни тез-тез эслаб турибмиз, бу иш мамлакатимизни фан-техника тараққиётининг олдинги марраларига олиб чиққан эди.

Дарҳақиқат, ракета-космик техникаси соҳасида ҳамишэ мамлакатимизнинг атоқли олимлари, конструкторлари меҳнат қилиб келишди. Совет космонавтикасининг сарчашмаларида академиклар С. П. Королев. М. В. Келдиш, М. К. Янгель. В. Н. Челомей, Н. А. Пилюгин, фан ва техника кўпгина тармоқларининг бошқа атоқли мутахассислари турганди-лар.

(Давоми 2-бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Бу кишилар ишда фидойилик қилишарди. Улар шуҳрат кетидан қувмасдилар, зеро улар учун шахсий ҳурмат-эҳтиромлар ва фаровонликлар эмас, балки ватанимизнинг қудрати ва равнақ топиши асосий мақсад эди. Улар юксак социалистик ахлоқли кишилар эдилар. Ҳозир бугунги кунимиз тўғрисида, олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирар эканмиз, шу кишиларнинг ҳаммасини яхши сўзлар билан эслаб ўтиш ўринли, деб ўйлайман. Бу кишилар ўй-фикр ва қарашлари жиҳатидан ўз замонларидан ўзиб кетгандилар, улар фан-техника революциясининг ҳақиқий кашшофлари бўлгандилар.

Бугун бу ерда, шу залда ўша кишилар издошлари ва шогирдларининг катта авлоди, уларнинг ишларини давдил давом эттираётган, Совет фани байроғини баланд тутаётган кишилар ўлтирибди. Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан ҳаммаларингизни табриклайман. Биз тараққиётимизнинг катта илмий-техникавий проблемаларини ҳал этишга қўшган улкан ҳиссангизни юксак даражада қадрлаймиз.

Шу минбардан туриб, Совет космонавтларини алоҳида табриклаб ўтишни хоҳлардим. Космик фазода одам ишлаши ниҳоятда зўр тайёргарлики, чуқур билимни, кучли ирода, маънавий фазилатларни намоён этишни тақозо қилади. Жаҳонда энг узоқ давом этган космик учиш Совет космонавтларига мансубдир.

Ҳозирда ҳам ер атрофи орбитасида бутун бир космик лаборатория ишлаб турибди. Шунинг ўзиёқ гоят ибратлидир ва биз космосни тинчлик мақсадларида ўзлаштиришдаги янги-янги босқичларни кўриб турибмиз. Булар «Мир» станцияси, «Квант» илмий модули, «Союз» ва «Прогресс» кемаларидан иборат бўлиб, уларда Юрий Романенко билан Александр Лавейкин қийин вахтада туришибди.

Бу ердан, Бойқўнғирдан туриб космонавтларимизни табриклайлик. Учишни, космосдаги иш муваффақиятларини тайёрлайдиган, мана шу ишларни, деб кечаю кундуз меҳнат қилаётганларнинг ҳаммасини ҳам табриклаймиз. Бугун баъзан силлани қуритадиган ва сира ҳам енгил бўлмаган масъулиятли меҳнатдир. Бу ерда ишни асосий ва ёрдамчи ишларга ажратиб бўлмайди, кўп нарсалар, деярли ҳамма нарса, энг муҳими эса пировард натижа ҳар бир кишига боғлиқ эканлиги жиҳатидан олганда, ҳамма баб-баравардир, дейиш мумкин. На катта, на кичик ишда хато қилиб бўлмайди. У барча Совет кишилари учун намунадир. Жамият янги-янги вазифаларни ҳал этишга отланган ҳозирги пайтда бизга жуда керакли намунадир. Бу янги вазифаларни эскича ёндашувлар, эски билим даражаси ва профессионал тайёргарлик билан бажариб бўлмайди. Биз ҳаммамиз космодромдагилар қўйилган вазифани ҳал этиш устида қандай ишлашса шундай ишлаётгимиз: мамлакатимизнинг ватанпарвари бўлмоғимиз, виждонан яшаб, ишламоғимиз, топширилган ишни ўринлатиб бажармоғимиз керак.

Ишларингиз билан танишув яна бир катта аҳамиятга, сиёсий маънодаги катта аҳамиятга эга, деган бўлур эдим. Сизларда рўй бераётган ишлар ва шу қадар мураккаб проблемаларни ҳал этишни уддалаётганлигингиз XXVII съезд фанимиз ва техникамиз олдига, аввало ватан машинасозлиги олдига қўйган вазифаларни биз бажаришга қодир эканлигимизга ва улар ҳал этилишига мени ишонтиради. Бу эса экономикамизни янги-янги марраларга, янги техникавий даражага, халқ хўжалиги барча тармоқларини ресурсларни янада кўпроқ тежаб ишлашга олиб чиқадиган энг муҳим бўғиндир.

Ўртоқлар, бусиз жадаллаштиришни рўёбга чиқариб бўлмайди. Сизлар бошқа тармоқларда ҳал этилаётган вазифалардан бир поғона юқори турадиган мураккаб вазифаларни ҳал эта олаётган экансиз, бошқалар ҳам уларни шундай муваффақият билан ҳал эта олади ва ҳал этиши керак, дейиш мумкин. Бу нарса тўғри йўлда турганлигимизга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Қайта қуриш тўғрисида гапирадиган бўлсак, мамлакатимизда бошланган қайта қуришни кучли ракетанинг космос қўйнига ёриб киришидир, деб қиёслайман.

Космик учишларни қандай матонат ва виждон билан таг-заминли қилиб тайёрлаб, уларнинг пишиқ-пухталигини таъминласак, қайта қуриш ишини ҳам шу таҳлитда таъминлашимиз керак. Ҳамма соҳаларда—иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларда ҳам ҳамма ишни таг-заминли қилиб қайта қуриш керак. Ушанда қайта қуриш жамиятимизни ўз тараққиётининг янги марраларига, сифат жиҳатидан бошқа бир ҳолатга олиб чиқади.

Яна бир гапни айтиб ўтишни хоҳлардим. Кўриб турибмизки, сизлар — партия раҳбарлигида халқимиз олиб бораётган қайта қуришнинг астойдил ва самимий тарафдорларисиз. Ҳозир мамлакатда партия ташаббуси билан қилинаётган ишларнинг зарурлигига одамларнинг чуқур ишонганлиги танлаб олинган йўлнинг мақбуллигига яна битта далилдир. Мендан бир нарсани тез-тез сўраб туришади, Эстонияда бўлса бир ветеран юзимга тик қараб: бошланган қайта қуриш ишларини охирига қадар етказиш учун раҳбарларимизда ғайрат-шижоат етармикин, деган саволни қўйди. Шунда мен ана шу ғайрат-шижоатдан ветеранлар ҳам, ишчилар синфи ҳам, деҳқонлар, зиёлилар, олимлар, мамлакатимизнинг ҳамма авлоди ҳам биргалашиб фойдаланадиган бўлсак, етади, деб жавоб қилдим.

Мамлакатдаги қайта қуриш давом этмоқда, у кун сайин кучайиб бормоқда, тобора аниқ-равшан шаклларга кириб бормоқда, проблемаларнинг тобора кенгроқ доирасини ва турмушнинг тобора чуқурроқ қатламларини ўз ичига олмоқда. Марказий Комитетнинг январь Пленумидан кейин қайта қуриш босқичи айни шу билан фарқ қиладики, бу соҳадаги иш экономика соҳасида, демократия, илм-фанни ташкил этиш, идеология ва кадрлар иши масалаларида ҳам тобора амалий, тобора аниқ-равшан тус олмоқда, деб айта оламан.

Шу билан бирга биз вазият мураккаблигини кўриб турибмиз. Аммо бу нарса бизни асабийлик, айниқса ишончсизлик ҳолатига туширмаслиги керак. Биз тўғри йўлдан бораяпмиз, аммо олдинда қилинадиган ишлар жуда кўп.

Биз ўн иккинчи беш йиллик вазифаларини экономика жабҳасида ҳам, социал ривожланиш жабҳасида ҳам ҳал қилишимиз керак. Айни вақтда биз йўл-йўлакай янги механизмларни ўзлаштириб боришимиз, бутун халқ хўжалигига омил бахш этиш учун машинасозликни модернизациялаш орқали илм-фаннинг имкониятларини янада кенгайтиришимиз лозим. Айни вақтда биз салбий ва турғунлик ҳолатларидан халос бўлишимиз керак. Ҳаммамизнинг зиммамиздаги вазифа жуда катта эканини кўриб турибсизлар. Аммо биз шуни тушунишимиз керак: қилаётган ишларимиз мамлакат манфаатларига, меҳнат коллективларининг манфаатларига, ҳар бир кишининг манфаатларига мос келади. Қайта қуриш бизни шунга даъват этмоқда. Дардини яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек биз кейинги йилларда бўшашиб кетган эдик, тартибсизликларга, интизомни бузишга, қолоқликка муросасозлик билан қараб келган эдик. Бу эса катта зиён етказганини биласизлар. Мана шулар такрорланмаслиги керак.

Жамиятдаги муҳит ўзгарганлиги — қайта қуриш илк босқичининг ғалабаларидан биридир. Совет кишиларининг социал ва сиёсий активлиги кўз ўнгимизда кучайиб бораяпти. Одамлар жамиятнинг ҳамма ишларида қизиқиб қатнаша бошладилар, олға томон қилаётган ҳаракатимиз муаммоларини дадил ва актив кўтариб чиқиб, муҳокама қилмоқдалар. Яқин ўтмишда одамлар билан, уларнинг фикрлари ва таклифлари билан ҳисоблашмасликни одат қилиб олган раҳбарлар тобора камаймоқда.

Шу жиҳатдан олганда ҳам ишлаб чиқаришдаги, ҳам илм-фандаги, маънавий соҳадаги меҳнат коллективларига бошчилик қилаётган барча раҳбар кадрлар шундай хулоса чиқариб олишлари керак: демократия шароитида, одамларнинг активлиги ошиб бораётган шароитда ишлашни ўрганиш керак. Биз бу йўлдан қайтмаймиз. Бизнинг бундан бошқа йўлимиз мутлақо йўқ.

Қайта қуриш жуда катта умидлар туғдирди. Шу муносабат билан бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Қайта қуриш — тўлиб-тошаётган омборларнинг калити эмас. Қайта қуриш — яхшироқ ишлашга ва совет кишиларининг турмушини ялпи кучғайратлар билан янада яхшилашга қилинган ва истисносиз ҳамма кишиларга қаратилган даъватдир.

Қайта қуриш инсон манфаатлари йўлида вазифаларни ҳал этиш мақсадини кўзлайди ва инсоннинг ўзи шу мақсадга эришишнинг асосий воситасидир. Бу — бутун жамиятимиз учун буюк мактабдир. Биз шу мактаб сабоғини чинакамига олсак — жуда катта, кенг миқёсли, тарихий ўзгаришларга эришаверамиз.

Яна бир гап. Қайта қуриш — қандайдир бир гуруҳ кишиларнинг ўйлаб қўйган режаси, нафсонияти эмас. Йўқ, қайта қуришга жамиятимиз мунтазир эди. Биз Сиёсий бюрода ҳам, Ҳукуматда ҳам ўзимиздан ўзимиз: қайта қуришдан бошқа бирон-бир оқилона йўл борми? Бу хусусда бошқа таклифлар борми?— деб қайта-қайта сўрадик (дарвоқе мамлакат бўйлаб қилинган сафарларда ҳам шундай савол ўртага қўйилди). Йўқ, бундан бошқа йўл йўқ. Тўғри йўл танлаб олинганини ва биз қайта қуришга муштоқ эканимизни ҳамма тушуниб турибди. Хулоса битта — КПСС XXVII съезди йўлидан бораверишдир.

Боя айтганимдек, айниқса дастлабки йилларда бизга қийин бўлади. Аммо биз ҳеч иккиланмай, шу вақт ичида муайян натижаларга эришсак, бунга бизнинг ишончимиз комил, қайта қуриш яшайверади ва у жуда катта самаралар беради. Биз революцион миқёсдаги вазифаларни ўртага қўйдик ва революциончасига ҳаракат қилишимиз керак. Биз бирон кун ҳам бўшашишимумкин эмас ва бунга ҳаққимиз йўқ. Ҳозирги вақтнинг тиғиз ишларига, жуда катта янги вазифаларига ва космонавтлар тилида айтганда, қайта қуришнинг бошланғич давридаги зўриқишларга бардош бериш керак.

Кун сайин биз тажриба орттираяпмиз, самаралироқ ишлаш, жадаллаштиришнинг янги механизмларидан омилкорлик билан фойдаланиш маҳоратини орттираяпмиз. Эндиликда биз пухта сиёсатга эга бўлиб қолган бир пайтда оғирлик маркази қабул этилган қарорларни бажариш соҳасидаги амалий ишга кўчирилиши керак. Қуннинг шиори шундай: қабул этилган қарорлар амалга оширилсин! Бу шиор ҳаммага: Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига, Ҳукуматга, иттифоқ, республика миқёсидаги министрликлар ва идораларга, областлар, шаҳарлар, районларга, меҳнат коллективларига, барча кадрларимизга таллуқлидир. Ҳамма амалий ишларга астойдил киришмоғи керак, ишчанлик, тартиб, интизом кўпроқ бўлсин.

Айрим жойларда интизом ва тартиб бўшашиб қолганини айтиб ўтмоқчиман. Баъзи жойларда: кампанияни ўтказдик, ҳовлини супуриб-сидириб олдик, тамом, вассалом, деб ҳисоблашмоқдалар. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Қайта қуришнинг ҳамма босқичларидаги ишимизда интизом ва тартиб, юксак маданият бўлиши керак.

Тез орада Марказий Комитетнинг навбатдаги пленуми бўлади. Биз унга тайёргарлик кўраяпмиз. Бу пленумнинг бош вазифаси — мамлакат экономикасини бошқаришнинг яхлит системасини вужудга келтиришни ниҳоясига етказишдан иборат. Биз корхона тўғрисидаги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтказилгандан кейин уни кўриб чиқамиз ва СССР Министрлар Советининг ишини, унинг тармоқлар группаларини бошқарувчи органлари, СССР Госплани, СССР Госснаби, министрликлар ва идоралар ҳамда бошқа иттифоқ органларининг тўла хўжалик ҳисобига, ўз ҳаражатларини ўзи қоплашга ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиш шароитидаги ишини қайта қуриш масалаларини муҳокама қиламиз. Бу ўринда гап замонавий экономикани бошқаришнинг яхлит системасига ўтиш учун сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш тўғрисида бормоқда. Мамлакат учун катта ва жуда муҳим масалалар ҳал қилинади.

Чамаси, бу пленумда қайта қуришнинг бошланғич даврида нималар қилишга муваффақ бўлинганлиги ҳақида, шу билан бирга халқ хўжалигимизнинг баъзи соҳалари ва участкаларида, жамият турмушининг турли соҳаларида қайта қуриш нега суст бораётганлиги ҳақида ҳам гапиришга тўғри келади. Биз қайта қуриш йўлига тўсқинлик қилаётган, суст иш кўраётган, қайта қуришнинг муҳимлиги хусусида сафсата сотишдан нари ўтмаётган кишиларга нисбатан тўғридан-тўғри ва ошкора талаблар қўйишимизга тўғри келади.

Бу ерда сўзга чиққан ишчи Е. Ф. Арбековнинг фикрини мен ҳам қўллаб-қувватлайман: ҳаммамиз иш суръатини оширишимиз, ўз ишимизни виждонан бажаришимиз керак. Гаплар камроқ бўлсин, ишлар кўпроқ бўлсин — мана шунинг ўзи қайта қуриш бўлади.

Ўртоқлар, сизларни ҳам ўз ишингизга эътибор билан қарашга даъват этмоқчиман. Сизларнинг катта ютуқларингиз ҳақида гапириб ўтдим. Шу ютуқларингиз билан фахрланишга ҳақлисизлар, мамлакат ҳам бу ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу — ҳамма эътироф қилган факт, буни биз сизларнинг катта ҳиссангиз, деб тақдирлаймиз.

Бироқ, учрашувимизда фақат шу ҳақдагина гапирилиб, ишингиздаги заиф жиҳатларга эътибор қаратилмаса, сизлар ҳатто менинг фикримни тушунмаган бўлур эдингиз, деб ўйлайман. Баъзи кишиларда эса: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарига ҳақиқатни айтаяптиларми, ўзи? Умуман у Москвага қандай фикр билан жўнаб кетади? деган шубҳа туғилиши мумкин.

Биринчидан, мен Москвада турган пайтимдаёқ сизларда нималар бўлаётганини асосан билар эдим. Ҳозир бизда яхшигина ахборот бор, шу ахборот навбатдаги вазифаларни бажариш билан боғлиқ ишингиздаги заиф жиҳатларни ҳам пайқаб олиш имконини берди. Жуда катта вазифаларни ҳал этиш билан шуғулланаётган меҳнаткашларнинг турмуши, социал-маданий шароитлари проблемалари бирон-бир тарзда диққат-эътибордан четда, иккинчи ўринда қолганлиги тўғри эмас. Иккинчидан эса, мен жойдаги вазият билан танишдим. Тўла манзара ҳосил бўлди. Хулоса равшан. Камчилик ва нуқсонлар бор. Шу сабабли қилинмай қолган ишлар зудлик билан қилиниши, танг жойлар бартараф этилиши, вужудга келган янги муаммолар ҳал этилиши лозим. Биз сизларнинг кучғайратларингизни қўллаб-қувватлаш учун КПСС Марказий Комитети ва Ҳукумат йўли билан бир қанча чораларни кўрдик. Энди навбат сизга.

Биз уй-жой, соғлиқни сақлаш объектлари, озиқ-овқат саноати корхоналари қурилишига, иссиқлик ва сув таъминотини, транспорт хизматини яхшилашга, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари, маданият объектлари қурилишига ажратилган капитал маблағни анча кўпайтирдик. Бу ишга ҳаммангиз бир ёқадан бош чиқариб киришинглар. Бу ҳақда гапираётганимнинг сабаби нима? Ҳатто ўтган йилларда ажратилган камроқ ҳажмдаги маблағлар ҳам ўзлаштирилмай қолган эди. Шу сабабли енг шимариб ишлаш керак, ўртоқлар. Шаҳардаги учрашув ва суҳбатларда мен бу ишни назорат қилиб турамиз, деб айтдим.

Бойқўнғир узоқни кўзлаб доимий шаҳар сифатида барпо этилганини ҳамма равшан англаб олиши керак. Биз космосни ўзлаштириш соҳасидаги куч-ғайратларимизни бўшаштирмоқчи эмасмиз ва бу соҳадаги авангардлик позицияларини бой бермоқчи эмасмиз. Биз космосни тинчлик мақсадларида ўзлаштириш соҳасидаги тадқиқотлардан кўп манфаат кўрдик. Аммо олдимизда космосдан олинаётган самарани илм-фан учун ҳам, бутун халқ хўжалиги учун ҳам қай йўсинда янада самаралироқ қилиш вазифаси турибди, бу ҳақда ҳаммамиз биргаликда ўйлашимиз керак. Ҳозир бу амалий масала олдимизда кўндаланг бўлиб қолган. Экспериментлардан ва тажриба ишларидан мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиёти манфаатлари йўлида мавжуд имкониятлардан планли равишда ва кенг миқёсда фойдаланишга дадилроқ ўтиш лозим. Биз СССР Фанлар академиясидан, СССР Фан ва техника давлат комитетидан, СССР Главкосмосидан, барча манфаатдор министрликлар ҳамда идоралардан халқ хўжалигида космик техника ютуқларидан фойдаланишни кенгайтириш юзасидан пухта ўйланган истиқбол таклифларини кутамиз.

М. С. Горбачев ўз нутқида Бойқўнғир меҳнат коллективлари қилаётган ишнинг мудофаа аҳамиятини ҳам таъкидлади.

Бизнинг космосни тинч сақлашга қаратилган йўлимиз — занфлик аломати эмас, деди у. Бу йўл Совет Иттифоқи тинчликсевар ташқи сиёсатининг ифодасидир. Биз халқаро ҳамдўстликка тинч космосни ўзлаштиришда ҳамкорлик қилишни таклиф этяапмиз. Бу таклиф бутун дунёда ижобий назар билан кутиб олинмоқда. Биз, жумладан, космосда ҳам қуролланиш пойгасига қарши чиқяапмиз.

Ҳозир ҳаднномаларга эришиш йўлини излашда бошланган силжиш йўлига тўсиқ қўйиш учун Америкининг ҳукмрон доиралари жазава билан ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир дунёдаги вазият ривожида масъулиятли пайт келди. Шу сабабли биз пухта ўйлаб, жўшқинлик билан ҳаракат қилишимиз керак, реал силжишларга эришиш учун зарур бўлган ҳамма ишни қилаверамиз. Бизнинг бу соҳадаги манфаатларимиз Америка халқининг манфаатларига ҳам, дунёдаги бошқа халқларнинг манфаатларига ҳам мос келади. Бизнинг манфаатларимиз қуролланиш пойгаси эвазига бойлик орттираётган, космос орқали ҳарбий устунликка эришмоқчи бўлган кимсаларнинг манфаатларига мос келмайди.

Бизнинг сўнгги таклифларимизни, шу жумладан Европани ядро қуролидан тозалаш ҳақидаги таклифларимизни яхши биласизлар. Эндиги иш АҚШга ва НАТО мамлакатларига боғлиқ. Энди улар ўзлари кўп йиллардан бери кўз-кўз қилиб келаётган сиёсатлари қадр-қиммати нималигини, уларнинг бу масалалардаги баёнотлари қадр-қиммати нималигини кўрсатишлари керак.

Жаҳон жамоатчилиги, барча тараққийпарвар кучлар қуролсизланишни хоҳламаётган кучларга қарши курашга отланишлари ҳозир ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Қуролланиш пойгаси масалаларига таллуқли ҳамма ишлар шу қадар жиддийки, ҳозир дунё бамисоли чорраҳада турибди. Дунёнинг қай йўлдан бориши масаласи кўндаланг бўлиб қолди.

Вазифа — бизнинг ташаббускор сиёсатимиз туфайли очилаётган имкониятни бой бермасликдан иборат. Дунёдаги кенг доиралар бу сиёсатимизни қўллаб-қувватламоқдалар. Биз халқаро муносабатларни яхшилик сари буриб юбориш учун изчиллик билан ҳаракат қилаверамиз.

Ядро қуролидан ҳимояланиш тўғрисидаги ҳар қандай гап-сўзлар — халқларни ўта кетган даражада алдашдир. Америка маъмурияти амалга оширишга интилаётган стратегик мудофаа ташаббуси деб аталган режани биз айни шу позицияларда туриб баҳолаймиз.

СМТ — солиқ тўловчиларни талашгина эмас, мудофаа нуқтаи назаридан бемаъни машмашадир. Хўш, СМТнинг биз билишимиз керак бўлган энг катта хавфи нимадан иборат? У стратегик барқарорликни бузади, қуролланиш пойгаси космосга кўчади, бу эса Ердаги қуролланиш пойгасини янада кучайтиради. Хўш, сиз билан биз мана шундай дунё бўлишига интилаяпмизми? Бу дунёда олдиндан асло билиб бўлмайдиган воқеалар доимо содир бўлавериши мумкин бўлиб қолади, сиёсий қарорлар амри билан эмас, балки техникадаги нуқсонлар оқибатида хатарли вазиятлар вужудга келиш эҳтимоли кучаяди. Биз қуролланиш пойгасининг космосга кўчирилишига қатъиян қаршимиз. Биз СМТнинг таҳликали хавфини бутун дунёга кўрсатиб беришни ўз бурчимиз, деб биламиз.

Шу тариқа иш кўриш орқали биз совет халқининг манфаатлари йўлида, бошқа халқларнинг манфаатлари йўлида ҳаракат қилаётганимизга аминмиз. Биз ҳаммага мурожаат этиб, ҳаракат қилишга чақирамиз.

Биз социалистик мамлакатлар билан қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилаяпмиз. Варшава Шартномаси мамлакатлари Сиёсий маслаҳат комитетининг май охирида ўтказиладиган кенгаши шу масала хусусида ўз сўзини айтишига шубҳам йўқ.

Дунёдаги вазият одамларни ташвишга солмоқда. Милитаризмга қаршилик кучаймоқда, халқаро жамоатчиликнинг уруш хавфига қарши курашдаги куч-ғайратларини биз ҳам юксак баҳолаймиз.

Яна ички ишларимиз ҳақида гапириб, шуни яна бир бор айтиб ўтмоқчиман: қайта қуриш соҳасидаги ишни зўр ғайрат билан давом эттириш — ҳаммамизнинг бурчимиздир. Бу — биз учун жуда катта имтиҳон, совет кишиларининг барча авлодлари учун, ҳамма коммунистлар ва партиясизлар учун имтиҳондир.

Бизнинг мамлакатимизда қилинаётган ҳамма ишлар Ғарбда нақадар тарафкашлик билан, синчиклаб ўрганилаётганига бир назар ташланг. Турли советшунослик марказлари мана шуларни ўрганиш билан машғул. Январь Пленумидан кейин иш тубдан ўзгаришини улар англаб олишди. Мамлакатнинг иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш соҳасидаги жиддий ишлар кенгайиб бормоқда. Мана шулар эса Ғарбдаги муайян доираларни ҳамма нарсадан кўра ҳам кўпроқ безовта қилмоқда. Шу сабабли улар қайта қуришга ёпирилиб, ҳужум бошладилар. Улар умуман қайта қуришга қарши чиқсалар, уларнинг гапига ҳеч ким қулоқ солмаган бўлур эди. Улар шуни фахмлаб, энди биздаги қайта қуриш — чала-чулпа бир тадбир, у етарли равишда революцион эмас, етарли равишда самарали эмас, деб кўрсатишга уринмоқдалар. Улар режаларимизнинг реаллигига шубҳа уруғларини сочмоқчи бўлаяптилар.

Дарҳақиқат, қайта қуриш ҳақида қизғин мунозаралар бўлиб турибди. Одамлар ҳамма нарсани тушуниб билиб олишни ва янги вазифаларни ҳал этишда онгли равишда қатнашишни хоҳлайдилар. Одамлар бизнинг ишларимизни, қайта қуришнинг боришини актив муҳокама қилаётганликлари, ҳаракатни қандай қилиб жадаллаштириш ҳақида ўйлаётганликлари жуда соз, ўртоқлар. Ҳамма нарсага реал қарамоқ керак. Қийинчиликлар бўлади, хатолар ҳам бўлиши мумкин. Аммо биз тўғри йўлдан бораяпмиз, бундан буён ҳам комил ишонч билан қатъий равишда олға бораверамиз.

Одамларнинг асосий кўпчилиги қайта қуришнинг астойдил тарафдоридир. Эҳтимол, уларнинг баъзилари нима қилишлари кераклигини бугун билмайдилар, аммо эртага улар буни тушуниб оладилар. Бироқ босқичлардан сакраб ўтмаслик, белгиланган йўлдан ишонч ва қатъият билан олға бориш, биз қабул этган қарорларни бажариш керак.

Бу учрашувдан сизлар билан биз маслакдошлар эканимизни тушуниб хайрлашамиз, деб ўйлайман. **(М. С. Горбачевнинг нутқи зўр эътибор билан тингланди, қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).**

Ўзбекистон ўқитувчиларининг VII съездига

СЎЗ—ДЕЛЕГАТЛАРГА

МАКТАБ ИСЛОҲОТИ — МАОРИФНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ДЕМАКДИР

БУГУН пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон ўқитувчиларнинг VII съезди ўз ишини бошлайди. Махсус мухбиримиз С. ҲАСАНОВ бу анжуман арафасида съезд делегатлари билан учрашди.

● Музроб ҚУРБОНОВ — область халқ маорифи бўлимининг мудири:

— БУ СЪЕЗДДА ишчанлик руҳи ҳар қачонгидан ҳам юксак бўлади, деб ўйлайман. Чунки кейинги йилларда халқ маорифчилари ҳаётида туб бурилишлар сари биринчи қадамлар ташланди. Ўтган ўқув йилидан бошлаб эса ана шу ўзгаришларнинг дастлабки самаралари сезилмоқда. Мен бу ерда умумий таълим ва ҳунар-техника мактабларини ислоҳ қилиш борасида партиямиз Марказий Комитети амалга ошираётган катта аҳамиятга молик йирик тадбирларни назарда тутяпман. Ана шу соҳада областимиз билим муассасаларида маълум ютуқларга эришилди. Қатор районлар хўжаликларида янги типдаги замонавий мактаблар фойдаланишга топширилди. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув даргоҳларини малакали кадрлар билан таъминлаш муаммолари маълум даражада ҳал этилди.

Лекин ишимизга бугунги кун талаблари нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, ундан кўнглимиз тўлмаётганлигини очиқ эътироф этиш керак. Олтиёшлилар қабулини ташкил этиш, мавжуд мактабларда ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, педагоглар билимини чуқурлаштириб бориш, замонавий мактаблар қуришдаги сусткашликка барҳам бериш, оталиқ ташкилотлар билан алоқани мустаҳкамлаш каби муаммолар ҳамон кўндаланг бўлиб турибди.

Кейинги йиллар мобайнидаги кузатишлар, олинган контроль ишлар, текширишлар ва аттестациядан ўтказишлар ҳали бир мунча мактабларда айрим ўқитувчилар билим савиясининг пастлигини, улар давр билан ҳамнафас бўлолмаётганликларини яққол кўрсатди. Мактаб, оила ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликда ҳам юзаки ҳолатлар давом этиб келмоқда.

Биз съездда ана шу проблемалар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Областимиз маорифчилари номидан съездда қатнашаётган делегатлар орасида юксак унвонларга эга бўлган, тажрибали, ўз касбига садоқатли ветеран-педагоглар ҳам анчагина. Биз улар билан съезд бошланишидан бир неча кун аввал юракдан суҳбатлашдик. Педагоглар рус тилини ўқитиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мактабларда бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ролини ошириш кераклиги ҳақида жон куйдириб гапирдилар. Съездда ана шу муаммолар хусусида таклифлар билан чиқиш ниятида эканликларини билдирдилар.

Биз съездга ўз зиммамизда турган масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда келдик. Бу режалар КПСС XXVII съезди қарорларида, партиямиз Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленумида тўла ўз аксини топган. Съездимиз эса ана шу вазифаларни изчил амалга ошириш йўлидаги мақсадларимизни янада ойдинлаштиради.

● Қиммат БОБОЕВА, — Бекобод шаҳридаги 16-мактаб директори:

— АГАР менда ислоҳат сизга нима берди, деб сўрашса, ўқитувчини виждон азобидан қутилтирди, деган бўлардим. Бунинг боиси бор. «Икки қўйиш мумкин эмас», «Синфда қолдиришга рухсат йўқ», «Бу палончининг ўғли ёки қизи» деган сўзлар бир неча йиллар давомида педагогнинг обрўсини туширди. Унинг ўз—ўзига талабчанлигини бўшаштириб, ўқувчиларни лоқайд қилиб қўйди. Натижада болаларнинг билими ҳам, тарбияси ҳам талаблар даражасида бўлмади.

Съездлар оралиғида ана шу камчилик аста-секин бўлса ҳам барҳам топаётганлигидан хурсандман. Делегат сифатида шуни айтмоқчиманки, ҳали маориф соҳасида иш билан сўзнинг бирлиги тўла таъминланмаган. Бу, айниқса, мактабларни ўқув кўргазмали қуроллар, ишлаб чиқариш ускуналари билан таъминлашда яққол сезилмоқда.

Биз ўқитувчидан кўргазмали қуролсиз дарс ўтмасликни талаб қиламиз. Лекин янги программага мувофиқ ўқувни ташкил этиш учун ана шу қуролларни етказиб беролмаяпмиз. Сабаби мактаблар учун улар кам ажратилади.

Ўқитувчининг обрўси ҳақида икки оғиз гап. Бу обрўни биринчи навбатда ҳар бир педагог ўзининг юришториши, меҳнати, билими, талабаларига бўлган муносабати билан кўтариши керак. Айни пайтда ўқитувчини мавқеи район партия, совет ташкилотларига ҳам бевосита боғлиқ. Улар педагогнинг турмуш тарзидан, эҳтиёжидан, албатта, воқиф бўлишлари керак. Жуда кўплаб шаҳар ва районларда бу масалага жиддий эътибор беришмайди, дея оламан. Акс ҳолда ислоҳотда белгиланган режалар анча дадил олға силжиган бўларди.

● Анна ФЕДОРОВА — Янгиобод шаҳридаги 10-мактаб математика ўқитувчиси:

— ЎҚУВЧИЛАРНИНГ компьютер бўйича саводхонлигини ошириш масаласи партия XXVII съездида ҳам алоҳида таъкидланди. Очиғини айтиш керак, бу муаммо республикамизда, хусусан областимиз мактабларида ҳам деярли қуруқ гап бўлиб қоляпти.

Ўқувчиларни электрон-ҳисоблаш машиналари билан ишлашга ўргатиш давр талаби бўлиб турган бир пайтда ҳанузгача моддий базанинг ҳал этилмаётганлиги кишини ташвишлантиради.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ана шу предмет бўйича мактабларга мўлжалланган, амалий ҳаётга ёрдам берадиган қўлланмалар, замонавий компьютер техникаси билан етарли таъминланганлиги, айрим жойларда эса мутлақо йўқ лиги мени ташвишлантиради. Ўйлайманки, съездда бу проблемани ҳал этишга жиддий эътибор берилади.

● Ортиқ НОСИРОВ — Пискент районидаги 29-ўрта мактаб илмий бўлим мудири:

— НАЗАРИМИЗДА ишимизда ўқитувчининг вақтини ўғирлайдиган анчагина жараёнлар борга ўхшайди. Кетма-кет комиссияларнинг келавериши, инспекторлик текширувлари, тарбиявий ишлар билан боғлиқ турли дафтарларни тўлдириш ва шунга ўхшаш тадбирлар бунга мисол бўла олади. Келган комиссиянинг педагог ишига ёрдами тегса яхши-я, аксарият ҳолларда уларнинг нафи тегмаган ҳолда ўқитувчининг ўзига маълум бўлган, аммо моддий базанинг ночорлиги туфайли амалга ошириш имкони бўлмаган масалалар хусусида насиҳатлар қилиш, кўрсатмалар беришдан нарига ўтилмайди. Инспекторлик текширувларини тартибга солиш ҳақида ислоҳот талабларида ҳам алоҳида айтилган.

Съезд яна бир муҳим масалага кўпроқ эътибор бериши керак, деб ўйлайман. У ҳам бўлса мактаблар ремонти масаласи. Ҳар йили мавсум пайтида қурилиш материалларини қидиришга барҳам берилмаяпти. Мактаблар ремонтида ҳамон оталиқ ташкилотларнинг роли кам сезилмоқда. Ремонт жараёнида мактаб раҳбарлари анчагина сарсон бўлиб қолмоқдалар. Ваҳоланки, ислоҳот йўналишларида маориф ишини қайта қуриш — умумхалқ иши, деб таъкидланган. Аммо кўпинча маҳаллий партия, совет ташкилотлари бу борада мактабга етарли ёрдам кўрсатмаяптилар. Бу эса ҳар йили педагоглар орасида нохушликларга сабаб бўлмоқда. Биз съездда ана шу муаммолар ҳақида батафсил гаплашиб олишимиз керак.

● Берта ПАК — Ўрта Чирчиқ районидаги 54-мактаб ташкилотчиси:

— ҲАММА соҳадаги каби мактаб ишида ҳам сўз билан иш бирлиги керак, деб ўйлайман. Қайси йўналишлар бўлмасин, ўқув-тарбияни яхшилаш, интизомни мустаҳкамлаш ҳақида гап боради. Илғор ўқитувчиларнинг номи тилга олинади. Аммо сўз сўзлигича қолиб кетмоқда. Менимча республикамизда ҳам, областимизда ҳам энг прогрессив методлар асосида дарс бераётган, тажрибаси оммалаштиришга арзигулик ўқитувчилар кўп. Лекин биз уларни билмаймиз, ишидан бехабармиз. «Ўқитувчилар газетаси», «Совет мактаби» журнали, бошқа матбуот органларида илғор методларни кенг ёйишга кам эътибор бериляпти.

Айниқса, ислоҳотни амалга оширишдаги конкрет ишлар ҳақида жуда оз ёзилмоқда. Ваҳоланки, жамиятимизнинг ҳозирги талаби ана шу илғор тажрибалар ҳамманинг ижодий мулки бўлиб қолиши борасида маориф министрлиги ҳам, область, район халқ маорифи бўлимлари ҳам, мактаблардаги педагогик коллективлар ҳам баравар жон куйдиришлари керак.

● СУРАТДА: Ўзбекистон ўқитувчилари VII съездида иштирок этаётган областимиз делегатларидан бир группаси.

М. Нуриддинов фотоси.

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

СУСТКАШЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

БУ ЙИЛГИ баҳорнинг серёғин келиши қир-адирлардаги, ариқ ва зовур бўйларидаги табиий ўт-ўланларнинг яхши ўсишини таъминлади. Шунингдек, беданинг ривожи ҳам ўтган йилларда-гига нисбатан бирмунча олдиндадир. Шундай экан, ҳозир бутун диққат-эътиборни, ҳаракатни ана шу имкониятлардан фойдаланишга яъни қишлов учун мўл ва сифатли ем-хашак жамғаришга қаратиш керак.

Айниқса, табиий ўтлоқлардаги ўт-ўланларни тезроқ йиғиштириб олишни кечиктириб бўлмайди. Чунки кунлар тобора исиб бормоқда. Бу ўт-ўланларни тезда қуритиб, қовжиратиб йўқ қилиб юборади ва озуқа жамғаришдаги катта имкониятларнинг бой берилишига сабаб бўлади. Шунингдек, юқорида таъкидлаганимиздек бедаларнинг ривожи ҳам яхши. Апрель ойидаги сурункали ёмғир барвақт экилган бу қимматли озуқани ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш имконини бермади. Шунинг учун ҳам ҳозир бутун диққат-эътиборни, техникани, ишчи-кучларини беда ўримига жалб этиш ва бу ишни жадаллаштириш керак.

Афсуски, редакцияга келаётган сигналлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, ҳали кўпгина район, колхоз ва совхозлар ғанимат кунларнинг қадрига етмай, табиий пичан тайёрлаш, беданн ўриб-йиғиб олишда сусткашлик қилмоқдалар. Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор хўжаликларда беданинг гуллаб кетишига йўл қўйилмоқда. Ҳатто ҳалигача беданинг биринчи ўримини бошламаган колхоз ва совхозлар ҳам учрамоқда.

Масалан, Коммунистик районида дағал хашак тайёрлаш топшириғи эндигина 2, 3 процентга бажарилди, холос. Янгийўл, Бўка, Бўстонлиқ районларида ҳам бор-йўғи 4—6 процент миқдорида дағал озуқа жамғарилди. Бу районларда беда ўримн сабабсиз равишда кечиктириб юборилмоқда.

Табиий пичан тайёрлашдаги аҳвол ҳам яхши эмас. Ҳозиргача фақатгина Оҳангарон, Ғалаба, Паркент ва Бекобод районларининг хўжаликларидагина табиий пичан ўрим-йиғимига киришилди. Бошқа районлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари эса озуқа жамғаришдаги энг катта имкониятлардан бири — табиий пичан ўрим-йиғимига етарли эътибор бермаяптилар. Буни мутлақо оқлаб бўлмайди.

Вазият аниқ ва пухта ҳаракат қилишни, чорвачиликнинг асосн бўлган ем-хашак жамғаришни жадаллаштириш юзасидан конкрет чора-тадбирлар белгилашни, амалий ишга киришишни талаб этмоқда. Район агросаноат бирлашмалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари тезда паланартишликка барҳам бериб, зудлик билан ем-хашак тайёрлашга киришишлари, бу муҳим ишни тезлаштиришлари шарт. Ҳозир ҳамма ерда шунга эришиш керакки, беда узоғи билан 21—25 кундан кечикмасдан, гуллаб кетишига йўл қўймасдан ўриб-йиғиб олиниши лозим. Ана шундагина озуқанинг сифати талаб даражасида бўлади.

Албатта кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан яна бири — мўл табиий пичан тайёрлашдир. Бу йилги шароитда ҳар йили қайтариладиган яъни ўтлоқларда табиий ўт-ўланлар ўсмади, деган баҳонага ўрин қолмади. Чунки ҳамма ерда улар ўсиб етилиб турибди. Асосий мақсад тезроқ уларни ўриб-йиғиб олишдан иборат бўлмоғи лозим. Шунинг учун бу ишга кўпроқ одамларни жалб қилиш, техникадан самарали фойдаланиш керак.

Айрим хўжаликларда далаларда ўриб қўйилган хашакнинг қуриб, қовжираб қолиб кетишига йўл қўйилмоқда. Бунга зудлик билан барҳам бериш керак. Ишни босқичма-босқич ташкил этиб, ўриб бўлинган майдонларда 24—30 соат ўтгандан сўнг хашакни пешма-пеш ташиб келтириб, махсус майдонларда ғарамлаш лозим.

Бу йил область бўйича 640 минг тонна дағал озуқа жамғарилиши белгиланган. Бу топшириқни муваффақиятли бажариш учун ҳар бир район ва хўжаликда ишни пухта ташкил этиш талаб қилинади. Шунинг учун барча озуқачилик бригадаларининг иши устидан назоратни йўлга қўйиш, айниқса, сифатли ем-хашак жамғаришга ҳаракат қилиш керак. Хуллас, ҳозир фурсатни бой бермайлик, мўл озуқа тайёрлаш чора-тадбирларини кўрайлик.

БЕДА ЎРИМИ НЕГА КЕЧИКМОҚДА?

ҲОЗИР ем-хашак тайёрлашдаги энг қулай фурсатлар ўтиб бормоқда. Халқимизнинг «қиш ғамини ёзда е» деган нақлига амал қилаётган бир қатор колхоз ва совхозларда аллақачон озуқа жамғариш ишлари қизитиб юборилди. Бундай коллективлар Калинин районида ҳам бор. Афсуски, қишловдан базўр кўкламга илиниб олиб, навбатдаги «қишлов»ни унутиб қўйган колхоз-совхозлар ҳам учраб турибди.

Шулардан бири Калинин районидаги «Хасково» совхози коллективи бўлиб, улар йил бошида 150 гектар бедазордан 2100 тонна пичан ўриб-йиғиб олишни режалашди. Ўримга ўз вақтида киришиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Ҳозир эса совхознинг озуқа жамғаладиган ҳовлисида бўлсангиз, ҳали бирор килограмм ҳам пичан келтирилмаганлигининг гувоҳи бўласиз. Бошқача қилиб айтганда совхозда ҳали беда ўримига киришилгани йўқ.

Беда ўримини нега ҳанузгача бошламадинглар, деган саволимизга совхоз бош инженери Болтабой Тулегенов «ҳамма техника жавдар ўриш билан банд» дея хотиржам жавоб берди. Тўғри, жавдарни ҳам ўриш керак, лекин совхознинг марказий ремонт устахонасида 2 та КСК—100 ва битта КСП—5г маркали «қудратли» ўриш комбайнлари бекор турибди-ку. Улар нега ишлатилмаяпти? Бунга на бош инженер, на бошқа мутасаддн ўртоқлар жавоб беришолди.

Маълум бўлишича, умуман совхозда ўрим техникаси ремонти яқиндагина ниҳоясига етказилган. Шу туфайли аллақачон ўримга етилган 57 гектар майдондаги жавдарнинг ҳосили эндигина йиғиштириб олиняпти. Бедалар эса гуллаб, пояси дағаллашиб кетяпти. Ўрим-йиғим ишларида бор-йўғи 4 та комбайн 8 та тележка ишлатиляпти.

Шу ўринда совхоз дирекциясининг ишни ташкил этишга етарли эътибор бермаётганликларини ҳам айтиш керак. Озуқа жамғаришда иштирок этаётганлар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилмаган, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун ҳам меҳнат унумдорлиги паст бўляпти.

Биз шу куни «Назарбек» совхозида ҳам бўлдик. Бу ердаги ҳукм сураётган боқибеғамликкa нима дейсиз? Мавжуд 100 гектар майдондаги бедазорнинг 33 гектарида ўрим ўтказилибди, холос. Бунинг устига ўрилган беда пичани далага қандай ётқизилган бўлса, шундайлигича қуриб, қовжираб ётипти. Уни ташиб келтириб, озуқа сақланадиган бостирмаларга жамғариш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаяпти. Маълум бўлишича, бу бостирма қурилиши ҳали битмаган эмиш. Ваҳоланки, бу қурилиш 1986 йилнинг декабридаёқ якуланиши лозим эди. Қурувчиларнинг масъулиятсизлиги, хўжалик раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли бугунги кунда юзлаб тонна қимматли озуқа исроф бўляпти, сифати йўқотилмоқда. Беда таркибидаги энг тўйимли ҳисобланган каротин моддаси ҳавога учяпти.

Умуман, районда дағал хашак тайёрлаш бўйича маълумотга назар ташлар эканмиз, озуқа жамғариш яхши бормаётганлиги маълум бўлади. Беданинг биринчи ўримн ҳам кўпгина колхоз ва совхозларда қониқарли ташкил этилмаяпти. Масалан, «Қорасув» совхозида эндигина 20 процент майдонда ўрим ўтказилди. «Ўзғариш» ёрдамчи хўжалиги, «Партия XX съезди» колхозларида ҳам беда ўримида сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Вазифа — бу камчиликларга тезда барҳам бериш, мавжуд техникани, ишчи кучларини озуқа жамғаришга тўла сафарбар этиш керак. Район агросаноат бирлашмаси, ем-хашак тайёрлаш суръатини кўтаришда амалий иш қилиши лозим.

Н. ТЕМИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАНЛАР САЙЛАНМАЙ ҚОЛДИ

Район партия комитетининг кадрлар резерви билан ишлаш тажрибасидан

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида кадрлар билан ишлашга янгича ёндошиш, демократия ва ошкораликни ривожлантириш зарурлиги алоҳида уқтирилди. Бўстонлиқ районида кадрлар резервини ошкора сайлаш тажрибасига амал қилинмоқда.

Жамиятни демократлаштиришнинг бу усули кенг меҳнаткашларга маъқул бўлмоқда. Улар ўз ораларидан бўлажак раҳбарларни танлаб кўрсатишяпти. Ишчи-хизматчилар, колхозчилар, қурувчилар, турли касб эгалари номзоднинг ижобий томонларини қайд этган ҳолда уларни шахс, мутахассис сифатидаги камчиликларини рўй-рост, очиқчасига айтмоқдалар. Резерв кадрлар олдига конкрет вазифалар қўйишяпти.

«Водоканал» ташкилоти очиқ партия йиғилишида айтилган мулоҳазаларга эътиборни қаратмоқчимиз. Йиғилиш кун тартибига бош инженер Ж. Абдураҳмонов, энергетик Э. Шораҳимов, мастер Г. Даммни корхона директорлигига резерв кадрлар рўйхатига киритиш масаласи қўйилган эди.

М. КОХ — ишчи: Г. Дамм корхонамизга ишга келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ташкилотчилиги, ўз ишини яхши билиши, кўпчилик билан муомала қила олиши туфайли ҳурмат-эътибор қозонди, топшириқларни ўз вақтида сифатли бажаради. Мен раҳбар кадрлар резервига унинг номзодини кўрсатаман.

С. ЯРУЛИНА — омбор мудири: Менимча раҳбарликка номзод кўрсатишга масъулият билан ёндошишимиз керак. Раҳбар коллективни бошқара оладиган, принципиал, билимдон, ҳар томонлама баркамол бўлиши керак. Ҳозир раҳбар кадрлар рўйхатига Ж. Абдураҳмонов.ни ҳам киритиш тавсия этилди. Мен бунга қаршиман. Тўғри, у ўз мутахассислигини аъло даражада ўзлаштирган. Лекин характери бўш, кўнгилчан, одамларни хафа қилиб қўйишдан қўрқади. Принципиал эмас.

Т. АБДУХАЛИЛОВ — катта инженер-технолог: Ж. Абдураҳмонов билан бирга кўпдан бери ишлайман. Сув иншоотлари структурасини аъло даражада билади, ўз касбининг билимдони. Бизнинг тоққа яқин, серташвиш зонада шундай билимдон киши раҳбарлик қилиши шарт. У эса ўз характеридаги камчиликларни бартараф этишга қодир деб ўйлайман.

В. ЛЮБОВЧЕНКО — лаборатория бошлиғи:—

— Э. Шораҳимов яхши мутахассис, Жамоат ишларида актив қатнашади. Корхона иши учун жон куйдиради. Намуна олса арзийдиган томонлари кўп. Бироқ қўл остида ишловчиларга нисбатан қўполлик қилиш ҳоллари учрайди. Гарчанд ҳақ бўлмасада ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қилаверади. Ана шу камчиликларини бартараф этса раҳбар бўлишга лойиқдир.

Г. ДАММ — мен бу ташкилотда ишлаётганимга кўп бўлгани йўқ. Ўз вазифамни тўла-тўкис бажара олаяпман дея олмайман. Шу сабаб раҳбарлиқ лавозимига номзодимни ҳозирча кўрсатмаслигингизни илтимос қиламан...

Бошқа номзодлар кўрсатилмади. Ўнга яқин киши фикр-мулоҳазаларини билдирди. Кўпчилик овоз билан бош инженер Ж. Абдураҳмонов ва энергетик Э. Шораҳимов Ғазалкент «Водоканал» бошлиғи лавозимига резерв қилиб кўрсатилди.

Район партия комитети резерв кадрлар системасини яратишга алоҳида диққат ва эътибор билан ёндошмоқда. Ана шу мақсад йўлида 80 дан ортиқ коллективда раҳбарлик лавозимларига, бошланғич партия ташкилоти секретарлигига резерв номзодлар кўрсатиш тадбирлари ўтказилиб, 300 нафардан ортиқ киши раҳбар қадрлар резервига киритилди.

Шу йилнинг февраль ойида бошланғич партия ташкилотлари секретарлари кенгаши ўтказилиб, резерв кадрлар яратиш ва бундан кутилган мақсад тушунтириб берилди. Ҳаракатдаги резерв кадрлар ва улар билан ишлашни ташкил этиш бўйича тадбирлар, шу жумладан 1986—1990 йиллар учун перспектив план ишлаб чиқилди. Резерв кадрлар билан ишлаш юзасидан методик тавсия, анкета, резерв кадр карточкаси, характеристика лойиҳаси, ёпиқ овоз бериш бюллетени намуналари бошланғич партия ташкилотларига юборилди.

Ана шу жараёнда район партия комитети аппарати ходимларининг ўқуви ҳам ташкил этилди, бўлим ходимлари кадрлар резервини яратишдаги вазифаларини аниқ пухта билиб олдилар.

Район партия комитети бошланғич партия ташкилотлари, маъмурият, жамоат ташкилотлари, активлар билан бамаслаҳат раҳбарликка, партия ташкилоти секретарлигига икки нафардан номзод кўрсатишни тавсия этди. Тавсия этилаётган номзод ҳақидаги маълумотлар район партия комитети бўлимларига кўриб чиқиш учун юборилди. Бўлимларда улар билан танишиб ҳар бирига фикр-мулоҳазалар ёзилди. Бундан мақсад энг муносибларни танлаш, шошмашошарликка, таваккалчиликка йўл қўймаслик эди.

Партия ташкилотлари, меҳнат коллективларида номзодларни муҳокама қилиш бўйича босқичма-босқич график тузилди. Тадбир тўрт ойга мўлжалланди. Март ойида — 28, апрелда — 60, майда — 46, июнда — 25 та корхона, ташкилотда номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишлар ўтказиш планлаштирилди.

Район партия комитетида кўриб чиқилган номзодлар рўйхати корхона, муассасаларда муҳокамадан ўн кун олдин ҳамма кўрадиган жойга осиб қўйилмоқда. Ундан беш кун олдин эса райком ташкилий бўлимида характеристика лойиҳаси охирги марта кўриб чиқилади. Характеристикаларда коллективнинг номзод ҳақидаги фикри, унинг ижобий ва салбий томонлари очиқ ойдин кўрсатилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

125-автокорхонада раҳбарликка номзод кўрсатиш ишлари билан танишдик. Очиқ партия йиғилишида 35 КПСС аъзоси, 2 нафар партия аъзолигига кандидат ҳамда 230 партиясиз қатнашган эди. Гарчанд район партия комитетига берилган рўйхатга корхона раҳбарлигига ва партия ташкилоти секретарлигига иккитадан номзод кўрсатилган бўлса-да транспортчилар рўйхатни янада кенгайтиришни лозим топдилар. Коллектив томонидан раҳбарлик резервига олти киши кўрсатилди.

Партия ташкилотининг секретари Ф. Тўлаганов масъулликдан директор ўринбосари вазифасигача бўлган йўлни босиб ўтган А. Рўзиевни, автоколонна бошлиғи Т. Турғунов устахона бошлиғи Ф. Йўлдошевни, навбатчи-механик Р. Аҳметов илгари шу корхонада механик бўлиб ишлаган, ҳозир эса «Узсельхозтехника» район бирлашмаси бошлиғи Ю. С. Дорошенкони, 1-автоколонна ҳайдовчиси Г. Мерлинов автоколонна бошлиғи С. Иномовни, катта инженер В. Бутаков шу автокорхонада 1980—1986 йилларда бош инженер бўлиб ишлаган М. Ҳасановни ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи В. Боршч эса Тошкент область юк ташиш автотрести ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи Ю. Вильчикни автокорхона директорлиги вазифасига номзодликка кўрсатдилар.

Муҳокамада кишилар ўзлари тавсия этган мутахассисларнинг ишчанлик, ташкилотчилик ҳислатларини таърифлаш билан бирга камчиликларини ҳам айтиб ўтишди. Сўнг саноқ комиссиясининг хулосасидан маълум бўлдики, энг кўп —209 та овоз А. Рўзиевга берилган. Ундан камроқ овоз М. Ҳасановга тўғри келди. Бошланғич партия ташкилоти секретарлигига катта инженер В. Бутаков ва автоколонна бошлиғи Т. Турғунов кўрсатилди.

«Ленинград» колхозида бўлган йиғилишда икки киши раисликка резерв этиб тавсия этилган бўлсада колхозчилар ўзлари муносиб кўрган яна икки мутахассисни рўйхатга киритдилар.

Райондаги Жданов номли колхоз, Бурчмулла ўрмон хўжалиги, Шредер номли боғдорчилик, узумчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бўстонлиқ филиали, шаҳар газлаштириш корхонаси ва бошқа меҳнат коллективларида кадрлар резервини сайлашга бағишланган йиғилишлар қизғин, ошкора руҳда ўтди.

Лекин ҳамма жойда ҳам кадрлар резервини яратиш ҳозирги талаблар даражасида уюштирилаяпти деб бўлмайди. «Узбекгидроэнергострой» трести автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг Чорвоқ филиали резерв кадрларни муҳокама қилишга бағишланган йиғилишда бригадир, КПСС аъзоси П. Ненастьев шундай деди:

— Эксплуатация бўлимв бошлиғи Э. Юсупов ўз вазифасини яхши уддалайолмаяпти. Йўл-йўлакай юкларни ташиш масаласини ҳал қилиб беришни неча бор сўрадик. Ғалга солиб келмоқда. Э. Юсупов ҳайдовчиларнинг шикоят ва мулоҳазаларига доимо эътиборсиз.

Ҳайдовчи, партиясиз С. Шутиков ҳам шу фикрларга қўшилган ҳолда Э. Юсуповнинг шофёрларга қўпол муомалада бўлиши, маслаҳатга қулоқ солмаслиги, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишини таъкидлади. Номзодини раҳбар кадрлар резервига кўрсатмасликни таклиф этди. Худди шу йиғилишда ҳайдовчи Н. Стальнов ишчан, ўзига ҳам ўзгаларга ҳам талабчан, қобилиятли ташкилотчи, қийин аҳволда ҳам мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир коммунист, навбатчи-механик К. Жонзоқовни филиал директорлигига резерв кадр қилиб сайлашни таклиф этди.

Э. Юсупов кам овоз олиб раҳбар кадрлар резерви рўйхатидан тушиб қолди. Қ. Жонзоқов эса 159 та овоз олиб резерв кадрлар рўйхатига олинди.

Хўш, бу факт нимани кўрсатмоқда?

Айрим жойларда кенг меҳнаткашларнинг талабэҳтиёжлари ҳамон ҳисобга олинмаяпти. Кадрларни юқоридан тавсия қилиш давом этаяпти. Бошланғич партия ташкилотлари тавсия этган ва райком томонидан маъқулланган резерв кадрларнинг айримлари шунинг учун ҳам меҳнат коллективлари томонидан қўллаб-қувватланмаяпти. Масалан, «Узсельхозхимия» район бирлашмаси. мўйначилик хўжалигида шундай воқеа содир бўлди. Меҳнаткашлар ўзларн муносиб деб билган номзодларни кадрлар резервига кўрсатдилар. Айрим хўжалик ва ташкилотларда кадрлар резервига номзодларни муҳокама қилишда эскича усул давом этаяпти. Мақтов билан овора бўлиб танқидий муносабат, талабчанлик, ишчанлик руҳи сезилмаяпти. Муҳокамаларда номзоднинг камчиликлари ошкора айтилмай қолаяпти.

Район партия комитети ана шу камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. Райком аппарати ходимлари жойларга бориб, бевосита амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотлари секретарлари семинарларида консультациялар уюштирилаяпти. Ишлаб чиқилган методик тавсиялар такомиллаштириб борилаяпти. Сайловнинг юксак даражада ўтишини таъминлаш, уни ҳақиқий умумхалқ муҳокамаси даражасига эришиш учун, янги форма ва усулларидан фойдаланиш, изланиш давом этмоқда.

Б. ПЎЛАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1987 ЙИЛ ЯНВАРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

«РУСЛАН» УЧУН ҚАНОТЛАР

● В. П. ЧКАЛОВ номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида АН-124 «Руслан» гигант-самолёти йиғиладиган жойга унинг 70 метрлик улкан қанотларини ҳаво йўли орқали етказиб бериш ўзлаштирилди. Бу ишни АН-22 самолёти бажармоқда. Суратда: қанотлар жойлаштирилган АН-22 самолёти.

ТАСС фотохроникаси.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

КПСС РАҲБАРИ НУТҚЛАРИ ТЎПЛАМИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

СТОКГОЛЬМ, 13 май. (ТАСС). Швециянинг «Фрам» нашриётида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқлари ва докладлари тўплами «Қайта қуриш. Совет Иттифоқида социалистик ўзгартишлар» номи билан нашр этилди.

Тўпламга М. С. Горбачевнинг «Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида» КПСС Марказий Комитети январь Пленумида қилган доклади, совет раҳбарининг Москвада бўлиб ўтган «Ядросиз дунё учун, инсониятнинг омон қолиши учун» халқаро анжумани қатнашчилари ҳузурида сўзлаган нутқи, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг шу йил 28 февралдаги баёноти, бошқа нутқлари киритилган.

МИЛЛИЙ ЯРАШ ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КОБУЛ, 13 май. (ТАСС). АДР ҳукуматининг миллий яраш тўғрисидаги даъватига жавобан, сўнгги 20 кун ичида 550 дан кўпроқ афғон оиласи Покистон ва Эрондан ўз ватанига қайтиб келди. Агар Эрон ва Покистон маъмурлари, шунингдек ана шу мамлакатлар билан чегарадош районларда уя қурган Афғонистонга қарши гуруҳлардаги экстремист унсурлар афғонларнинг йўлини тўсмаганида қайтиб келувчилар яна ҳам кўп бўлиши мумкин эди. БАХТАР агентлигининг хабар беришига кўра, босмачилар тўдаси билан Афғонистонга қайтиб келаётган Мусахайл қабиласи ўртасида қуролли тўқнашув бўлиб ўтди. Олишув вақтида 13 каллакесар ўлдирилди. Исахайл, Сулоймонхайл, Ландизай қабилалари ва бошқа қабилаларга мансуб кўчманчиларнинг 1300 дан кўпроқ оиласи шу афғон йилида Пактия вилоятига қайтиб келдилар. Маҳаллий маъмурлар, миллий яраш комиссиялари ватандошларига моддий ёрдам кўрсатдилар. Қабила оқсоқоллари маслаҳатлашиб олиш учун жирга чақирдилар, ушбу жирга миллий яраш сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

ТЯНЬЦЗИНЬ ЭЛЕКТРОМОБИЛИ

ПЕКИН, (ТАСС). Хитойнинг энг йирик шаҳарларидан бири Тяньцзинь кўчаларида яқинда оригинал конструкциядаги мўъжизагина автомобиль пайдо бўлди. Гарчи бу транспорт воситаси унчалик катта бўлмасада, бир қатор афзалликларга эга. Бу машина — электромобиль, демак, у атроф муҳитни булғамайди, шовқинсиз юради ва тежамкордир (15 километрга бир киловатт-соат электр энергия сарфлайди). Мазкур машинанинг максимал тезлиги соатига қарийб 20 километрга боради. Аккумляторларини уй шароитида электр тармоғидан зарядлаб олиш мумкин. Унинг заряди 150 километрга етади. Синалаётган электромобиль икки киши ва бир болага мўлжалланган бўлиб, ўртача юкхонаси бор.

Машинани Тяньцзиндаги ишлаб чиқариш компанияларидан бирининг мутахассислари яратишган. Улар электромобиль Тяньцзинь аҳолиси ўртасида кенг қўлланилади, деб ҳисобламоқдалар. Бутун Хитойда бўлганидек бу шаҳарда ҳам аҳоли асосан велосипеддан фойдаланади.

КХДР. Мамлакат пойтахти Пхеньян 1500 йиллик тарихга эга. Лекин у ҳамон навқирон кўринади. Сўнгги йилларда шаҳарда янги уй-жой микрорайонлари пайдо бўлди. Пойтахт меҳмонлари учун Чхангван кўчасида шаҳарда энг йирик «Коре» меҳмонхонаси қурилди (суратда ўртада). Минг ўринли бу меҳмонхонанинг иккита 140 метрли минораси бўлиб, улар 35-қаватда ўтиш йўли билан бир-бирига қўшилган.

ЦТАК—ТАСС фотоси.

СЬЕРРА-ЛЕОНЕ ПРЕЗИДЕНТИ СССР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

ФРИТАУН, 13 май. (ТАСС). Сьерра-Леоне президенти Жозеф Саиду Момо Африкадаги шу давлатнинг СССР билан ҳар томонлама ҳамкорлигига юксак баҳо берди. Республика учун машаққатли бўлган иқтисодий тикланиш даврида, деди у, Совет Иттифоқи Сьерра-Леонега мададкор бўлди, мамлакатимизда медицина хизмати, маорифни ривожлантиришга, кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди.

Президент Херсондан келган делегацияни қабул қилар экан, ана шуларни айтди. Делегация бу ерда Украинанинг ана шу шаҳри билан Сьерра-Леоне пойтахти — Фритаунинг биродарлашганлиги тўғрисидаги битимни имзолади.

УНИТАГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

ЛУАНДА, 13 май. (ТАСС). АҚШ Марказий разведка бошқармаси ва иркчи ЖАР махсус хизмат маҳкамалари қарамоғидаги УНИТА террорчилар тўдасининг 150 дан ортиқ каллакесарини Ангола озодлиги халқ қуролли кучлари шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида Бенгала вилоятида қириб ташладилар. Муваффақиятли операциялар чоғида, деб хабар беради «Жорнал ди Ангола» газетаси, каллакесарлардан Ғарбда ва Жанубий Африка Республикасида ишлаб чиқарилган анчагина қурол-яроғ ва ўқ-дори ўлжа олинди.

ЭРОН—ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД. (ТАСС). Фронтнинг шимолий участкасида 12 майда Ироқ қисмлари душманнинг жанговар позицияларига ҳужум қилиб, унинг аскар ва техникасига талофот етказди, сўнгра ўзи жойлашган районга қайтиб келди, деб хабар қилади бош ҳарбий қўмондонлик. Марказий участкада, Майсан секторида, Басрадан шаркда ва Фао ярим оролида Эрон қўшинлари йиғилган районлар тўпга тутилган ва маҳаллий аҳамиятдаги жанглар давом этган. Бир неча бронетранспортёр ва тўп, еттита дала ўқдори омбори яксон қилинган.

НИКОСИЯ. (ТАСС). ИРНА агентлиги 12 майда Эроннинг қирғоқ артиллерияси Абдаллаҳ бўғзида Ироқнинг ҳарбий катерига шикаст етказганлигини хабар қилди. Фронтнинг шимолий участкасидаги Панжвин, Саид-Содиқ районларида Эрон артиллериясининг актив ҳаракатлари натижасида душман қўшинларининг жилиши барбод этилган. Форс кўрфазида чет эл катерига ҳужум қилинган.

Интернационал бурчга садоқат

ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

Афғонистондаги Совет қўшинлари чекланган контингенти составида интернационал бурчини бажариб бўлганларидан сўнг запасга бўшатилган аскарларни тантана билан самимий кутиб олиш Тошкентда яхши бир анъана бўлиб қолди. 12 май куни шаҳар жамоатчилиги, меҳнат коллективларининг вакиллари, студентлар ва пионерлар шундай учрашув учун аэропортга йиғилдилар.

Кобулдан учган ҳаво кемаси аэровокзалга кириб келмоқда. Ундаги интернационалчи-жангчилар Ватанига қайтмоқда. Йигирма яшар бу йигитлар машаққатли синовлардан ўтиб келмоқдалар — кўпларининг кўкракларида жанговар орден ва медаллар ялтирамоқда. Уларнинг жасоратлари, аскарлик бурчини бажарганликлари ана шу нишонлар билан тақдирланган.

Запасдаги сержант Андрей Плюхин кителига Қизил Юлдуз ордени билан «Жанговар хизматлари учун» медали тақилган. Бу десантчи босмачиларга қарши курашда Афғонистон аҳолисига кўп марта ёрдамга келган. Душманлар билан олишишларга ҳам тўғри келган. Энди у Ватанга қайтгач, тинч меҳнат қилиш орзусида.

Катта сержант И. Дунаев, сержантлар Ш. Аҳмадов, А. Хитров, Ю. Степанов, оддий аскар А. Сотниковнинг, армияда хизмат муддатини ўтаб бўлган бошқа аскарларнинг жанговар йўллари, ҳарбий хизматдаги муваффақиятлари ҳам мардлик ва жасорат нишонлари — жанговар мукофотлар билан тақдирланган.

Тошкентдаги ядро физикаси институтининг электрон ҳисоблаш машинаси техниги Нина Гавриловна Антипованинг бугунги шодликлари беҳад. Ўғли Глеб уйига қайтиб келди. Ўғлининг кўкрагида «Жасурлиги учун» иккита медали ярқираб турибди.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари генерал-майор Ю. И. Панкратов қайтиб келганларга мурожаат этиб бундай деди:

— Сиз интернационал бурчингизни шараф билан адо этдингиз. Бундан буён ҳам фидокорлик ва меҳнатда қаҳрамонлик тимсоли бўлиб қола билишингизга, интернационалчи-жангчи номини ҳамиша баланд кўтариб бораверишингизга ишонамиз.

Духовой оркестр музикалари янграйди. Солдатлар қучоқлашиб, бир-бирларининг қўлларини маҳкам қисадилар. Аэропортдан уларнинг йўллари бутун бепоён Ватанимиз бўйлаб тарқайди, бу ердан жўнайдиган поездлар ва учадиган самолётлар уларни турли жойларга олиб кетади. Лекин Афғонистондаги икки йиллик қийин хизмат чоғида ёнма-ён турган жанговар биродарлар хотираси ҳар бирининг қалбида тоабад қолади. (ЎзТАГ).

● **СУРАТЛАРДА: (юқорида) Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ю. И. Панкратов (ўнгда) ва сержант А. Сирцов; (пастда) улар хизматдан қайтишди.**

В. Милинкин фотоси. (ЎзТАГ).



ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР КУНИ

Янгийўл шаҳрида ҳарбий хизматга чақирилувчилар билан учрашув уюштирилди. Учрашувда шаҳар ҳарбий комиссариатидан А. Стефанович доклад қилиб, ёшларни Ватан олдидаги бурчни шараф билан ўташга ундади. Сўнгра уруш ветерани П. Борисенко, Афғонистон Демократик Республикасида хизматда бўлган, Қизил Юлдуз ордени кавалери В. Селезнев, чақирилувчилар номидан А. Пўлатов ва ДОСААФ курсанти А. Сиддиқов, ота-оналар номидан А. Бусигина сўзга чиқдилар. Учрашув сўнгида «Урушнинг тўртинчи йили эди» фильми намойиш этилди.

А. МЕЖИКОВСКАЯ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

21 МАЙ СОАТ 19.30 ДА

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ ОЙБЕК

«ҚУТЛУҒ ҚОН»

(уч пардали драма)

Инсценировка муаллифи — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти ва А. Тўқай номидаги ТАССР Давлат мукофотининг лауреати **Тошхўжа ХЎЖАЕВ.**

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Рустам ҲАМИДОВ.**

Рассом — Анатолий ЖИБОЕДОВ.

Композитор — Нурилла ЗОКИРОВ.

ҚАТНАШАДИЛАР:

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Н. РАҲИМОВ;

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати З. МУҲАММАДЖОНОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, СССР Давлат мукофотининг лауреатлари: Е. АҲМЕДОВ, Т. АЗИЗОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Я. АБДУЛЛАЕВА;

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати О. НОРБОЕВА;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Р. ИБРОҲИМОВА, Ж. ТОЖИЕВ, М. ОРИПОВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Л. БАДАЛОВА, Р. ЁҚУБОВ, О. ЮНУСОВ, Ҳ. ЮНУСОВ, Т. ХОНТЎРАЕВ;

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: Т. МУМИНОВ, С. УМАРОВ;

артистлар: Г. ЗОКИРОВА, З. ИСМОИЛОВА, А. РАФИҚОВ, П. НОСИРОВ, Ж. ЗОКИРОВ, Э. КОМИЛОВ, Д. КАРИМОВА.

Театрнинг бош режиссёри — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати **Латиф ФАЙЗИЕВ.**

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи ва Ҳамза театри кассаларида соат 10 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ҲИНД ТИЛИ— ДЎСТ ТИЛИ

● ТОШКЕНТДАГИ 24-мактабда «Ҳинди — дўстлик тилидир» деган адабий-музикали кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон пойтахтида таълим олаётган ҳиндистонлик студентлар бу ерга келишди. Ўқувчилар уларни ҳинди тилида саломлашиб кутиб олдилар. Кечада Рабиндранат Тагор, Алишер Навоий, Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг бошқа сўз усталари шеърларидан сатрлар янгради. Болалар Бомбей ва Деҳли мактаб ўқувчилари билан дўстона алоқалари тўғрисида гапириб бердилар. Меҳмонлар Ўрта Осиёнинг атоқли шоирлари ва ёзувчилари тўғрисида, Ўзбекистоннинг тарихи ва маданияти ҳақида юқори синф ўқувчилари ҳинд тилида тайёрлаган суҳбатни тингладилар. Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг тинчлик, дўстлик ҳақидаги қўшиқларидан тузилган концерт ўқувчиларга ҳам, педагогларга ҳам, меҳмонларга ҳам манзур бўлди.

(ЎзТАГ мухбири).

● **АРКТИКА ва Антарктика музейлари биринчи қутбчиларнинг қаҳрамонликлари ҳақидаги қимматли материалларга бой. Экспозициянинг марказий қисми «1-Шимолий қутб» станциясига бағишланган. Суратда: музей залларида.**

Н. Беркетов фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

КОМПОЗИТОР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССР композиторлари орасида Манас Левиевнинг ижоди алоҳида ўрин тутади. Композиторнинг ўндан ортиқ музикали комедия асарлари, кинофильмларга ёзган қўшиқлари санъат мухлисларига яхши маълум. «Тошболта ошиқ» (Ҳ. Ғулом), «Тошкентнинг нозанин маликаси» (Ҳ. Муҳаммад), «Қизил дурачали сарвқомат дилбарим» (Ч. Айтматов) каби музикали драма ва комедиялар, «Ўрик гуллаганда», «Ёшлик чоғимда» (Ҳ. Олимжон) сингари қатор қўшиқлари халқимизнинг севимли асарларидан ҳисобланади.

Тошкент политехника институтининг икки филиалида композитор Манас Левиевнинг студентлар билан ижодий учрашувлари бўлиб ўтди. Композитор студентларга ўз ижоди ва ўзбек совет композиторларининг асарлари ҳақида гапириб берди.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган бу ижодий учрашувда, таниқли санъаткорлар Муҳаббат Шамаева, Илёс Маллаев, Суръат ва Наима Пўлатовалар ҳамда Муқимий номли музикали комедия ва драма театрининг бир гуруҳ ёш артистлари иштирок этиб, композитор асарларидан тузилган концерт программасини ва саҳна асарларидан дуэтларни ижро этдилар.

Б. РАСУЛОВ.

МАКТАБДА ШЕЪРХОНЛИК

Ангрен шаҳар Облиқ қишлоғидаги Муқимий номли 29-ўрта мактабда Яйра Саъдуллаева, Қуддус Муҳаммадий, Маҳмуд Муродов, Собит Ғафуров, Рауф Толиповлар билан учрашув бўлиб ўтди. Улар ўзларининг янги шеър, ҳикояларидан парчалар ўқиб, келажак режалари билан ўртоқлашдилар.

Учрашувда мактабнинг «Бинафша» ансамбли бадиий ҳаваскорлари ўзларининг куй қўшиқлари билан қатнашдилар.

Ғ. РАҲМАТИЛЛАЕВ.

● **УРАЛ машинасозлик заводи. Давлат қабули ходимлари — Т. Головинская билан В. Голошейкинлар маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.**

А. Владикин фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

● **ҚИРҒИЗИСТОН ССР. Сиз суратда йирик тадқиқотчи ва саёҳатчи олим П. П. Семёнов-Тянь-Шанский ҳайкалини кўриб турибсиз. Ҳайкал Иссиққўл соҳилида ўрнатилган.**

В. Морев ва К. Тарусов фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ •

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

«Пахтакор» чемпионатнинг навбатдаги матчида Волгоградда биринчилик аутсайдерларидан бири маҳаллий «Ротор» командаси билан учрашиб 0:4 ҳисобида мағлубиятга учради.

Тошкентликлар бу йилги чемпионатнинг 9 ўйинидан тўрттасини сафарда ўтказиб, уларнинг барчасида мағлуб бўлдилар.

Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Ростсельмаш»— «Геолог» — 1:0, «Динамо» Ст. — «Крилья Советов» — 1:0, «Спартак» — «Котайк» — 2:0, «Торпедо» — АСК Р — 6:0, «Динамо» Бт — «Заря» — 2:0, «Факел» — «Помир» — 2:0, «Шинник» — «Кузбасс» — 1:0, «Локомотив» — «Черноморец» — 0:0.

* * *

Арманистон, Латвия, Молдавия, Қирғизистон, Украина, Ленинград, ҳамда Грузия командалари Кишинёв шаҳрида футбол бўйича Л. Яшин номли Бутуниттифоқ турнирининг финал босқичига чиқдилар. Бу сўнгги, учинчи турда маълум бўлди. Унда республикамиз терма командаси белоруссиялик футболчилар билан учрашди. Ўйин 1:1 ҳисобида якунланди. Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: Арманистон — Латвия — 2:1, Москва— — РСФСР — 2:1, Озарбайжон — Молдавия — 0:1, Қирғизистон — Туркманистон — 3:0, Тожикистон — Украина — 0:8, Қозоғистон — Ленинград — 1:2, Грузия — Литва — 1:0.

ЧАВАНДОЗЛИК

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон чавандозлари мусобақасида республикамиз терма командаси муваффақиятли иштирок этиб, соврин соҳиби бўлди. Қозоғистон ҳамда Тошкент шаҳри командалари иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди. Тошкентлик Т. Ивакина, А. Николаев, У. Маматов, Д. Манеровлар эса илк бор спорт мастери нормативини бажардилар.

Алоҳида турларда Ҳ. Содиқов, Ю. Журавлёв, Н. Каипова, Т. Ивакина, Д. Уркинбоевлар ғалабага эришдилар.

ЎҚИТУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Оққўрғон районидаги Ҳамза номли 6-ўрта мактаб спорт залида волейбол бўйича район ўқитувчиларининг 6-спартакиадаси бўлиб ўтди. Финалда Оржоникидзе номли 33-ўрта мактаб ўқитувчилари Киров номли 23-ўрта мактаб волейболчиларини енгиб, биринчи ўринни эгалладилар.

И. ТУЛАЕВ.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

«ТЮЛЬПАН» ЛАТ ЕДИ, ХОЛОС

Уни дабдала қилишмоқчи эди-ю, лекин лат ебгина омон қолди. Куйбишев ошхоналар трестининг директори А. Юрьева юқоридан, Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бош бошқармасининг бошлиғи М. Усмонов имзоси билан тушган қаттиқ буйруқ қоғозини олди-ю, лекин бошлиқларнинг гапига қулоқ солмай, бошқача қарор чиқаришга журъат этди. Қоғозда «Тюльпан» кооперативининг бундан буён бўлиш-бўлмаслиги масаласини кўриб чиқиш» қатъий тарзда буюрилганди. Шундай қилиб, у бош бошқарманинг хатига «Ёрдам ва амалий кўмак беришни сўрайман» деб резолюция қўйиб юборди.

Шу тариқа куни-кеча очилган кооперативни ёпиб, бошқа тошкентликлардай ташаббус кўрсатиб, янги-янги кооперативларни очиш истагини барбод этишга уриниш чиппакка чиқди.

Шаҳарда умумий овқатланишга масъул кишилар «Тюльпан» кооперативига қарши кураш бошлаганликларига айни нима сабаб бўлганлигини айтиш қийин: илгари фойда бермаган кафе биносини қайтариб олиш истагими, ёхуд рақобатдан қўрқишми, ҳеч бир андозага тўғри келмайдиган ишлар бўлаётганлигидан ҳадиксирашми, нима эканлигини билиб бўлмаси. Ёхуд савдо ишларига яқинда келиб, бошлиқларга таъзим қилиб туришга одатланмаган кооператив раиси Р. Шишаловскийнинг хатти-ҳаракатлари ёқмаганмикин? Ҳар ҳолда кооперативни очиш тантаналари тинганидан сал фурсат ўтар-ўтмас унга тазйиқ ўтказиша бошлашди.

— Бизга бир кунда учтадан комиссия келган кунлар ҳам бўлди, — деб эслашади кооператив ходимлари.

Қўйингчи, сўнгги комиссия энг каттаси бўлиб унга... М. Усмоновнинг ўзлари бош бўлиб келгандилар. Боз устига ўринбосарлари ва бошқарманинг бош бухгалтери ҳам келишганди. Бу комиссияга С. Грабовский деган кимсанинг «Вечерний Ташкент» газетасига ёзган шикояти баҳона бўлибди. Воқеаларнинг кетини айтсак, кооператив ходимлари унинг ҳузурига келиб, узр сўраб, «Тюльпан» коллективи ишчи, кооперативнинг рўйхатга олинган устави йўқ эмиш. Лекин устав бор ва у қонунга мувофиқ расмийлаштирилган, усиз кооператив кооператив бўлолмасди. Бино, асбоб-ускуналарни ишлатишга трест билан хўжалик шартномаси тузилмаган, дейилган. Лекин шартнома тузилмаганлигига Главканинг ўзи айбдор-ку. Улар типовой шартнома лойиҳасини яқиндагина бердилар. Тассуфки унинг айрим бандлари кооперативнинг уставига зид келади.

«Тюльпан» коллективи моқчи бўлишганида, у ҳайрон бўлиб:

— Ҳеч қандай шикоят ёзган эмасдим, лекин нима учун кооперативлардаги таомлар бу қадар қиммат эканлигига қизиққандим, холос. — деса бўладими.

Хўш, кооперативни ёпиш керак, деган бундай қаттиқ таклиф чиқишига нима сабаб бўлди? Аввало ишлаб чиқариш хоналари ва ёрдамчи хоналарнинг санитария ҳолатидир. Башарти, шундай экан, кооперативни ёпмасдан, энг оддий тартиб ўрнатиш керак, холос. Дастурхонда тишланган нон ош қолиши хусусида ҳам ўйлаб кўрмоқ зарур. Шу жиҳатдан олганда текширувчилар ҳақ. Лекин хатда баён этилган айблаҳнинг бошқа бандлари танқиддан ҳам тубан.

Энг асосий айбдан бошлайлик. М. Усмоновнинг ёзиларидан ғазабнок бўлишган. Бу нарса рецептурани қўпол равишда бузиш эмиш. Қўйингчи, улар солинадиган масаллиқ расамадини ошхоналар трести тасдиқлаб бersин, деб талаб қилишяпти. Ҳолбуки, бундай қилишга сира ўрин йўқ. Улар янгича хизмат системасини шу таҳлитда «ташкил этишмоқчи». Ҳолбуки, овқатларга солиб берилаётган бу гўшт умумий овқатланиш корхоналариники сингари сарқит бўлиб қолмаётир. «Тюльпан»га овқатлари қиммат, деб ҳам таъна қилишяпти. Шундай экан, қайси кафе ёки ресторанда қовурилган янги қўзиқорин билан янги картошка татиб кўра олиш мумкин? Бу ердаги гўштли таомлар асосан бозордан харид этилувчи янги гўштдан тайёрлаб берилади. Нархи ҳам шундан келиб чиқади. Матбуотнинг хабарларига кўра, Тошкентдаги кооператив кафеларимизнинг таомлари Москваникига нисбатан унча қиммат эмас экан. Москвада тушлик таом баҳзида 12—15 сўмга тушади. Бундан ташқари, кўпгина мутахассислар вақти келиб, бу нархлар арзонлашади, деб ҳисобламоқдалар.

«Тюльпан» кафесини ёпиш таклиф этилган. Ҳужжатни ўқиб чиқиб, Куйбишев район ижроия комитети раисининг ўринбосари О. Федосеевга мурожаат этдим. Кооператив ташкил этиш тўғрисидаги қарор ижроси устидан назорат ишлари шу киши зимасига топширилганди. Лекин у шу йил февраль ойида «Тюльпан»нинг тантаналли очилиш маросимида қатнашгач, ортиқ у ерда бўлмаган ва ишларнинг қандай бораётганлигини ҳам билмаган, шунинг учун у ерда бошланаётган жанжаллар моҳиятини менга тушунтириб бера олмаган бўлса керак. Афсус-афсус. Бу топшириққа аввал бошдан катта масъулият билан қараш керак эди.

Кооператив ошхоналари янги иш, у Советларнинг ижроия комитетлари кунда эътибор бериб туришларини тақозо этади. Давлат корхоналарида қайта қуриш жараёники силлиқ бормай, тез-тез можароли ҳоллар вужудга келиб турган экан, якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг кам ўрганилган бу соҳасида кутилмаган ҳар қандай ишлар бўлиши мумкин. Давлат корхоналарида катта иш тажрибаларига эга бўлган кадрлар борлигини ҳам назарда тутиш керак, кооперативларда бўлса одамлар янги, коллективлар эндигина бунёдга келмоқда. Ҳали анъана ҳам, тажриба ҳам йўқ. Хатоликлар бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларни асаб бузмай, вазминлик билан йўлга солиш ва ўрганиш керак. Уларга бўлар-бўлмас, ҳар хил важ-корсонларни тақаб, қаттиқ чоралар кўриш яхши эмас.

Т. ДОҒЖИ,
ЎзТАГ мухбири.

ҲАММАСИ ПАХТАДАН!

16 МАЙ КУНИ
КАРЛ МАРКС КЎЧАСИДА СОАТ 12 ДАН БОШЛАБ ШАҲРИМИЗНИНГ ЭНГ ЯХШИ БИЧИҚЧИЛАРИ
ХАРИДОРЛАРГА ХОМСУРПДАН ТАЙЁРЛАНГАН МОДЕЛЛАР — ЯРИМ ФАБРИКАТЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИЛАР.

Шу ернинг ўзида сиз харид қилган хомсурп матони ўзингиз танлаган андазага кўра бичиб ҳам беришади.

Соат 17.00 дан бошлаб Тошкент тўқимачилик институти Студентлар моделлар уйи хомсурпдан тикилган ўз либослари коллекциясини намойиш этади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Мамлакатимизда йилдан-йилга ҳисоб-китоб чекларини қўлланиш доираси тобора кенгайиб бормоқда, жумладан, социалистик мамлакатларга жўнаб кетаётган совет туристларига СССР банк муассасалари томонидан чет эл валютаси сотишда ҳисоб-китоб чекларидан фойдаланилмоқда.

Ҳисоб-китоб чеклари, чунончи боғ уйлари, заводда тайёрланган ёғоч уйлар ва СССР Госснаби ташкилотлари ва тара ремонт ҳамда ёғоч савдоси корхоналаридан харид қилинадиган уй деталлари комплектлари ва маиший хизмат ҳамда олдиндан бериладиган буюртмаларга кўра умумий овқатланиш корхоналарининг хизмати учун ҳақ тўлашда ҳам ёрдам беради.

СССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг ҳисоб-китоб чеклари сизнинг 200 сўмдан қиммат турадиган товарларни сотиб олиш учун ёнингизда катта миқдордаги пулни олиб юриш заруратидан халос этади.

Ҳисоб-китоб чеклари омонат счётларида сақланаётган ёки нақд пул тарзида кассага қўйиладиган маблағлар ҳисобидан 10.000 сўмгача миқдорда берилиши мумкин.

Ҳисоб-китоб чеклари мамлакатимизнинг исталган шаҳри ёки районида сотиб олинган буюмлар учун ҳақ тўлашда қабул қилинади. Ҳисоб-китоб чеки у берилган кундан қатъий назар икки ой мобайнида ўз кучини сақлайди.

Фойдаланилмаган ҳисоб-китоб чеклари унинг ҳақини нақд пул билан олиш ёки тегишли маблағни омонатга қўйиш учун исталган марказий омонат кассага кўрсатилаверади.

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/V да **Иоланта**, 16 V да **Тўмарис**, 17/V да **Коппелия** (12.00), **Оққуш кўли** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/V да **Ойна**, 16/V да **Ғариблар**, 17/V да **Бахтли гадолар** (12.00). **Келинлар қўзғолони** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/V да **Тоҳир ва Зуҳра**, 16/V да **Тошболта ошиқ**, 17/V да **Аршин мол-олон.**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, партия комитети ва жамоатчилик ташкилотлари институт касаба союз комитетининг раиси К. Қ. Одиловга отаси

Қодир ОДИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Союзтелефонстрой» трестининг Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи бошқарма бошлиғи П. Ҳ. Умаровга онаси

Саломат УМАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

(«Ташкентская правда»)

Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и Областного Совета Народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент Ленинград кўчаси, 32

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.